

**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**Турсунов Хатам Хасанбоевич Мамасолиев Неъматжон Солиевич**  
**Яминова Нафиса Хайдаралиевна**  
**МИОКАРД ИНФАРКТИ ВА КОМОРБИДЛИК: ТАРҚАЛИШИ,**  
**ХАТАР ОМИЛЛАРИ БИЛАН АССОЦИАЦИЯЛАНИШИ ВА**  
**ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МИНТАҚАВИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**  
*(монография)*



**Андижон-2024 й.**

УДК: 616.127-002+616-084

**АВТОРЛАР:**

- Турсунов Хатам Хасанбоевич** -АДТИ факультет  
дегани,т.ф.д., проф.
- Мамасолиев Неъматжон Солиевич** - АДТИ “ВМО ва ҚТФ ички  
касалликлар,кардиология ва  
тез тиббий ёрдам” кафедраси  
мудири, т.ф.д., проф.
- Яминова Нафиса Хайдаралиевна** -ОШТ кафедраси катта  
ўқитувчиси,т.ф.б.ф.д.(PhD)

**Такризчилар:**

- М.А.Жураева** - “ОШТ” кафедраси профессори,т.ф.д.
- Г.М. Тулабоева** Тиббиёт фанларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази,кардиология ва  
геронтология, интервенцион кардиология ва  
аритмия курси билан кафедраси мудири,  
т.ф.д.,профессор.

Ушбу монография Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий кенгаши  
томонидан чоп этишга тавсия этилди.

№\_\_\_Баённома «\_\_\_» 2024-й

## **АННОТАЦИЯ**

Ушбу монографияда хатар омиллари ва коморбидлилик негизида шаклланиб ривожланган миокард инфаркти, унинг ноанъанавий турларини ташхислаш, эпидемиология, предикция ва превенцияда қўлланиладиган замонавий усуллардан фойдаланиш, унинг олди ҳолати ва асоратланиш жараёнларини эрта ташхислашнинг тизимли тартибини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Монографиянинг амалий аҳамияти шундаки, олинган эпидемиологик ва клиник-предиктив натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни амалиётга татбиқ этилиши миокард инфаркти олди ҳолатини ўз вақтида аниқлаб, хасталанишнинг авжланиш босқичида кардиал ва экстракардиал асоратларини ўз вақтида аниқлаб, иккиламчи ва учламчи профилактика ҳамда ургент даво чораларини қўллаш ҳамда юрак қон-томир тизимидаги патологик жараённи (ремоделингни) мўътадиллаштириш, такрорий миокард инфарктининг камайишига, беморларнинг инфарктдан кейинги ҳолатлари бўйича шифохонага қайта тушишлар сонининг камайишига, кардиоваскуляр континуумнинг бартарафланишига ва ҳаёт давомийлигининг узайишига олиб келади.

## **АННОТАЦИЯ**

В монографии описано развитие инфаркта миокарда на основе факторов риска и сопутствующих заболеваний, диагностика его нетрадиционных форм, использование современных методов, применяемых в эпидемиологии, прогнозирование и профилактика, систематическая процедура ранней диагностики его предвестников и осложнений.

Практическая значимость монографии заключается в том, что реализация рекомендаций, разработанных на основе полученных эпидемиологических и клинико-прогностических результатов, поможет вовремя выявить прединфарктное состояние, выявить сердечные и экстракардиальные осложнения в острой стадии заболевания. заболевания, применять меры вторичной и третичной профилактики и неотложной терапии,

предупреждать образование тромбов в сердце - модерация патологического процесса (ремоделирования) в сосудистой системе приводит к уменьшению повторных инфарктов миокарда, уменьшению числа повторных госпитализаций. больных вследствие постинфарктных состояний, ликвидации сердечно-сосудистого континуума и увеличения продолжительности жизни.

#### **ANNOTATION**

This monograph describes the development of myocardial infarction based on risk factors and comorbidities, diagnosis of its non-traditional types, the use of modern methods used in epidemiology, prediction and prevention, the systematic procedure of early diagnosis of its precursors and complications.

The practical importance of the monograph is that the implementation of the recommendations developed on the basis of the received epidemiological and clinical-predictive results will help to identify the pre-myocardial infarction condition in time, identify cardiac and extracardiac complications in the acute stage of the disease, apply secondary and tertiary prevention and emergency treatment measures, and prevent heart blood clots. -moderation of the pathological process (remodeling) in the vascular system leads to a decrease in repeated myocardial infarctions, a decrease in the number of re-hospitalizations of patients due to post-infarction conditions, elimination of the cardiovascular continuum, and an increase in life expectancy.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

СТКБМИ	- ST сегменти кўтарилиши билан ифодаланувчи миокард инфаркти
ЖССТ	- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
QпМИ-	позитив миокард инфаркти
ПКА	- перкутан коронар аралашув
РКО	-Россия кардиологлар жамияти
ЕОК	-Европа кардиологлар жамияти
МИ	- миокард инфаркти
ЎМИ	- ўткир миокард инфаркти
ТРҚМ	-терапияга риоя қилиш мажбуриятини
ЎКС	- ўткир коронар синдром
QМИ	- Q миокард инфаркти
ЭхоКГ	- эхокардиография
АГ	- артериал гипертония
КТ	- компьютер томография
ГХС	- гиперхолестеринемия
ТЭС	- тромбоэмболик синдром
ЦС	- церебрал синдром
КСК	- кам симптомлик кўриниш
ОТВ	- ортиқча тана вазни
ХО	-хатар омиллари
ЎТ	- ўлим талваса
БК	-бирламчи касалланиш
ТҚЎ	- тери қопламларини ўзгариши
АҚММП	- ақлий меҳнат машғул популяция
ЖММП	- жисмоний меҳнат машғул популяция
ЎСОК	- ўпканинг сурункали обструктив касаллиги
БСК	- буйракнинг сурункали касаллиги
ҚД	- қандли диабет

- ЖСДК - жигарнинг сурункали дистрофик касаллиги
- ГДК - гастродуоденал касаллиги
- ЎКЙДБК - ўртача-кўп йиллик БК даражаси
- МСМКИ - мева сабзаотларини махсулотларини кам истеъмоли
- ХС - холестерин
- ХАФ - хос аускултатив феномен
- АБ - артериал босим
- КС - кам симптом
- УАТ - учлик антитромбоцитар
- ГП - гиподинами
- ЮҚК-юрак қон томир касаллиги

## **Muqaddima**

Хозирги кунда миокард инфарктига кўп сонли клиник, фундаментал ва профилактик тадқиқотлар бағишланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (2020) маълумотларига кўра "...дунёда ўлимнинг асосий сабаби юрак қон-томир касалликларидир.". Миокард инфаркти (МИ) ўлим ва ногиронликни етакчи сабабчиларидан бири бўлиб келмоқда. Ривожланган давлатларда миокард инфаркти ташхисланган беморларнинг 20%ига эрта тиббий ёрдам кўрсатилмасдан вафот этмоқда, 30 кунлик ўлим бўлса 30% гача етади. Коморбидлик кенг тарқалган ҳолат бўлиб, унинг даражаси ёш улғайиши билан ортади: 65 ёш ва ундан катта ёшдаги беморларнинг 65% дан кўпроғида, 85 ёшдан ошган беморларнинг 80% дан ортиғида коморбидлик аниқланади. Шу билан сурункали юқумли бўлмаган ва юқумли (COVID-19 пандемияси) касалликлар экспансиясининг ортганлиги, мамлакатимизда ўртача умр кўриш ёшининг кўпайганлиги, ҳаёт тарзи яхшиланаётганлиги сабабли коморбидлик ҳолатларининг ортганлиги, жумладан, миокард инфарктнинг коморбидлик негизида келиб чиқиш суръатининг драматик тусли кўтарилишини келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, миокард инфарктини нафақат янги даволаш усуллари, шу билан бир вақтда унинг профилактикаси ва касаллик олди босқичига бевосита алоқадор янги ёндашувларни ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг ҳал қилиниш лозим бўлган муаммоларидан биридир.

Миокард инфарктининг тарқалиши, хатар омиллари билан ассоциацияланиши, профилактикасининг ҳудудий хусусиятларни баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада миокард инфарктининг тарқалиши ва йигирма бир йиллик динамикасини катта ёшдаги аҳоли орасида тарқалишини, миокард инфарктини эркаклар ва аёлларда ёшга боғлиқ ассоциацияланиш хусусиятларини, миокард инфарктини бошқа юқумли бўлмаган касалликлар: артериал гипертония, қандли диабет, жигар касалликлари, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, ошқозон ичак касалликларини йигирма бир йиллик проспектив кузатувда баҳолаш, миокард инфарктининг юрак қон-томир касалликлари хатар омиллари билан

ассоциацияланиши хусусиятларини баҳолаш ҳамда миокард инфарктининг клиник кечиши ва профилактика хусусиятларини Фарғона водийси шароитида баҳолаш ҳамда амалиётга тиббий иқтисодий технологияларини тавсия этишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда ”...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан миокард инфарктининг тарқалиши, хатар омиллари билан ассоциацияланиши, профилактикасининг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 26 январдаги ПҚ–103-сон “Юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

## **ПРЕДИКТИВ ИНФАРКТОЛОГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Бугунги кунда дунёнинг кўп мамлакатларида аҳоли ногиронлиги ва ўлимнинг бош сабабларидан бири миокард инфаркти ҳисобланади[27,35].

Аёлларда МИ билан касалланишнинг “авж нуқтаси“ 65 ёш ва ундан юқори ёшларга тўғри келади, аммо МИ анча ёш аёлларни ҳам хасталай бошлади. Чунончи, 6707 тадқиқ қилинувчилар иштирокида Парижда ST сегменти кўтарилиши билан ифодаланувчи миокард инфаркти (СТКБМИ) кўп марказли регистри ташкил қилинган ва унда аёллар ўрганилган. Бу тадқиқотда 60 ёшгача аёлларга СТКБМИнинг аниқланиши частотасини икки баробарга кўпайганлиги қайд қилинган[3].

В.В Черепанова, В.Г Путняга (2016) ўзларининг тадқиқотларидан келиб чиқиб муҳим хулосани тақдим этишган: аёллар эстрогенлар ҳимоясида бўлишади ва шунга қарамасдан замонавий ЮИК, жумладан, МИ ҳам, ҳайз фаолияти сақланиб турган аёлларни ҳам аямай қўйган. Бу ҳолатни ифодалаш учун Л.А. Емельянова ва ҳаммуаллифлар 11 (2000) томонидан “Эртаки ЮИК“ феномени амалиётга киритилган[24]. Аммо, ушбу феноменнинг келиб чиқиш сабаблари ва клиник кечиш хусусиятлари аёлларда ҳанузгача етарли ўрганилмаган.

Шу нуқтаи назардан Д.М.Селиверстовар ва ҳаммуаллифлар (2019) томонидан ҳайз фаолияти сақланган аёлларда МИнинг клиник тасвирини ўрганишга бағишлаган тадқиқот эътиборини тортади.

Муаллифлар ретроспектив тадқиқот давомида 31 та МИ ҳолатини аёлларда таҳлил қилишган, шулардан 66 нафари ҳайз фаолияти сақланган аёллар бўлишган. Ушбу ҳар иккала гуруҳда ҳам артериал гипертензия ва ортиқча тана вазни энг кўп тарқалган хатар омиллари бўлишган. Шу билан

бирга ирсий мойиллик ва чекиш ҳам ҳайз сақланган беморларга нисбатан кўп учраган. Иккала гуруҳдаги аёлларда яна бирдай бўлиб Q-ижобий (QпМИ) ва олдинги жойлашувдаги шикастланиш қайд қилинган. Ҳайз фаолияти сақланган аёлларда МИ аксарияти ЮИҚнинг биринчи кўриниши бўлган ва кўпинча эртанги постинфарктли стенокардия билан асоратланган, аммо шу билан бир вақтда, маълумоти бўйича субклиник намоёнлашган “талвасага тушиш” жуда кам кузатилган[45].

О.М. Масленкова ва ҳаммуаллифлар (2019) жамоаси биргаликда перкутан коронар аралашув (ПКА) бажарилган ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) билан беморларни даволаш тажрибаси таҳлил қилиб чиқилган ва умумлаштирилган 158 нафар ЎМИ анқланган беморнинг клиник манзараси тадқиқ қилинган. ПКАнинг турли муддатларини даволашда самаралиги исботланган. Хусусан, ПКАнинг МИ бошланганида биринчи 48 соатда бажариш (туғалланган МИ) ўлим кўрсаткичларини консерватив даво гуруҳидаги беморларда таққосланганда анча паст бўлиши кузатилган. ПКАни касалликнинг илк 6 соат муддатида бажарилиши (ривожланаётган МИ) МИ оқибатларини кескин камайтирган. МИ билан беморларни реабилитация салоҳиятини ПКА касалликнинг биринчи суткасида ўтказган беморларда 3.2 баровар ва 24-48 соат орасида бажарилганларда эса 1.6 бароварга консерватив амалиёт билан олиб борилган беморларга қараганда юқори бўлган[34].

МИ муаммоси касалланишни юқорилиги ва ўлим суръатининг баландлиги билан боғлиқ бўлиб сақланиб қолмоқда. Мижозларни олиб бориш бўйича ҳар кунли янги тавсиялар чиқади (2001-Россия кардиологлар жамияти – РКО тавсиялари, 2017 й –Европа кардиологлар жамияти- ЕоР тавсиялари) уларда маълум усулларда такомиллаштирилган турлари ва яна – даволашга ишлаб чиқилган янги ёндашувлар тақдим этилган[34].

Л.А.Бокерия ва ҳаммуаллифлар (2007), В.В. Бояринцев ва ҳаммуаллифлар (2016), Г.А. Газорян ва ҳаммуаллифлар (2010, 2011) турли йилларда бу исботланган ва тавсия этилган, у ҳозирги вақтда “олти стандарт”

бўлиб эрта бажарилган ПКА тактикаси ҳисобланади, “Қанчалик эрта бўлса, шунча яхши” тамойили бўйича амалга оширилиши керак[7,8,12,13].

Вия К. М. et al.(2009) маълумотлари бўйича, МИ бошланганидан кейин биринчи 2-3 соат ичида ўтказилган реперфузия ишемия ҳудудининг кучли камайишига олиб келади ва шаклланган некроз ўчоғи аҳамиятсиз бўлади, натижада бу ”узулиб қолдирилган миокард инфаркти” деб алмашиши яқунланмаган МИга олиб келиши мумкин. Инфарктга боғланган артерия бўйича тикланган қон оқиши туфайли ўлим хавфи сезиларли пасаяди[62].

J.C. Canto ва ҳаммуаллифлар (2000) олган натижаларига кўра бўлса, зикр қилинган муддатни ўтказиб то 12 соатгача вақтда қилинган миокард реваскуляризацияси ўлим ҳолатининг перинфаркт ҳудудини камайтириш ҳисобига ўлимни камайтиради[63].

C. De-luca ва ҳаммуаллифлар (2009) ҳам ўзларининг тадқиқот натижаларини шу масалада тақдим этишган ва қайд этишган, МИ бошлагандан кейин 8 соат муддат ўтгандан сўнг некрознинг мумкин бўлган энг катта ўчоғи шаклланади ва миокарднинг шикастланган барча ҳужайралари ўлади[76].

Merrow D.A. et al.[105] Сирькин А.Л. ва б.қ.[48] ва Weisman N.F. et al.[129] тадқиқотларида яқдил фикр билдиришган ва исботли хулосага келишган: МИ бошланганидан 12-48 соат ўтгач реваскуляризация ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилади.

DANAMI 3 DEFER тадқиқоти натижалари (2018) халқаро тавсияларда тақдим этилган ва уларга кўра, МИ бошланганидан кейин 48 соатдан зиёд вақт ўтган бўлса миокард реваскуляризациядан мунтазам (рутин тарзда) фойдаланиш тавсия қилинмайди. Муайян клиник ҳолатлар келиб чиққан бўлса, кардиоген шок ривожланишида, пост инфаркт стенокардиясида, юрак етишмовчилиги кучайганда, оптимал фармокотерапия қўлланишлигига қарамадан самара олинмаганда қабул қилинади[61]:

Демак, умуман хулосага келиш мумкин бўладики, ПКА қимматли усулларни талаб қилсада, асоратлари хавфли бўлиши эҳтимолига қарамасдан самарали даволаш муолажаси бўлиб ҳисобланади.

Аммо ҳозирги вақтда МИни даволашда катта эътибор консерватив терапияга қаратилмоқда ва бунда иккита шарт қўйилади: ушбу стратегияни амалга оширишда клиник тавсияларга амал қилиш ва мижозларга ўтказилаётган терапияга риоя қилиш мажбуриятини (ТРҚМ) бажарилиш. Мана шу иккита омил давонинг муваффақияти ёки аксинча, муваффақиятсизлигини ҳал қилади[6]. Чунки Мичельда Сервантес тасдиқлаб кўрсатгандек, “ Агар бемор уни қабул қилишдан бош тортса, энг аъло дори ҳам беморга фойда қилмайди”.

Кўп тадқиқотларда, хусусан, Nuuyen T. et al., Dores H. Etal[79]. ва Paul W.etal.[114] томонидан тақдим қилинган илмий натижаларга амал қилишлар частотаси МИ/ЮҚК кечиши ва салбий оқибатларга таъсир кўрсатмайди.

Асосан касалликнинг оғир шаклида ўтиши кузатилади ва тадқиқотлар томонидан бунга аксарият ишорат қилинади[121], беморлар ургент терапияни ўтказишига муҳтож бўлишади ва самаралиги исботланган дори воситаларни олиш эҳтимоли энг кам бўлади.

ЖССТ маълумотларига кўра, ТРҚМИнинг тадқиқотларда исботли тасдиқланганлиги кўрсатишича, умуман беморларнинг 50 % уни бажаришмайди, 50 % 6 ой ичида дорили терапияга ҳалақит беради ва ёки шифокор тавсиясини бажармайди[66,113].

Чунончи, Carter S.et al. (2005) ва Oster berg h.et al. (2005) тадқиқотларидан кўринадики, 1 йил давомида дорили терапияни беморларнинг фақат 15 % игина давом эттиради

МИ кузатилган беморларда даволаш ва шошилишч профилактика стратегияси некроз худудининг кенгайишига (клиник ва яширин ифодаланган турларида) – биринчи 72 соат давомида касалликнинг қайталанишига (72 соатдан кейин) эътибор қаратилиши керак бўлади. ЎМИнинг тўртинчи универсал тавсифномасига кўра, касалликка қуйидагича таъриф берилади:

“Ўткир миокард инфаркти ўтганда ўткир миокардиал шикастланишининг миокард ўткир ишемияси клиник гувоҳликларига кўшилиб учраши тушунилади”. Даволаш тактикаси ва бемор ҳамда шифокорнинг мажбурияти, демак, айнан, ушбу МИнинг эпидемиологик ва патогенетик йўлларига йўналтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борадаги эпидемиологик тадқиқотлар етарлича бажарилмаганлигига ҳам урғу бериб ўтиш керак бўлади (клиник ва морфологик тадқиқотларга қиёслаганда).

Экспериментал ва морфологик тадқиқотларда қуйидагилар тасдиқлаб берилган: миокард шикастланиш ишемияси бошлангандан 15-20 дақиқа ўтиб келиб чиқади ва шу ондан бошлаб шикастланган кардиомиоцитларни тўлиқ орқага қайтариб бўлмайди, бундан кейин МИ ўта ўткир даври бошланади ва айнан шу муддат давомида (бу 5-6 соатдан 8 соатгача давом этади) МИ кечиши, узилиб қолиши мумкин бўлади ёки бўлиб ўтаётган ўзгаришлар репрессиясига умид бўлади. 6 соатдан кейин юқорида кўрсатилганидек, некрознинг мумкин бўлган энг катта ўчоғи шаклланиб, жами шикаст еган миокард ҳужайралари ўлади. Бу – муваффақиятли (инвазив ва ноинвазив йўл билан) коронар қон оқишини тиклаб олиш учун имконият вақтидир[40].

Россия Федерацияси шароитида МИнинг кенг ва мукаммал ўрганилганлиги, маълум йўналишларнинг жаҳонда етакчилик қилганлиги, олимлар томонидан илк бор жуда катта эпидемиологик тадқиқотлар олиб борилиб ЮҚК, жумладан, МИнинг “ўсиб бориш” сабаблари кенг ўрганилган ва баҳоланган.

И.Е.Чазова ва Е.В.Ощенко (2015) ҳамда М.В.Зыков ва ҳаммуаллифлар (2020) тадқиқотларида МИ/ЮҚК ўсиб боришида фақат хатар омилларигина эмас, балки коморбидликнинг ҳам қайд роли бўлади ва/ ёки аҳоли орасида, айниқса ёши ўтганларда, унинг ҳиссасини юқори эканлиги тасдиқланиб кўрсатилади[28,51].

М.В.Зыков ва б.қ.(2020) РЕКОРД – 3 тадқиқотида МИ га чалинган 993 нафар беморлар таҳлил қилиб ўрганилган. Killip II –IV- синфида ифодаланган ўткир юрак етишмовчилиги (ЎЮЕ) 20.0 % беморда қайд қилинган. Стационар

ўлим, МИдан) 6.3 %ни ташкил қилган, уларнинг кўпчилигини (66.1 %) эркаклар ташкил этишган. Ушбу тадқиқотларда ЎЮЕнинг аниқланиш частотаси коморбидликни 12.3 %, 17.9 % ва 33.6 %гача оғирлаштириб борган сари ошириб борганлиги алоҳида урғу билан исботли кўрсатилмаган: хулоса қилинишича, коморбидлик МИда ЎЮЕ келиб чиқишининг мустақил башорат қилувчи ҳисобланади, унинг комбинация, даволаш стратегиясидан қатъий назар, энг ёмон касалхона прогнози билан асоцирланади[51].

“REKOPD – 3” регистри маълумотлари бўйича, МИ га чалинган беморларнинг кўпчилигида битта ёки ундан кўп коморбид (хамроҳ) касалликлар (95 %и етиб) бўлади.

Шу билан бирга, бизнинг адабиётлар таҳлили давомида қилган хулосаларимиздан мантиқан келиб чиқадики, барча тадқиқотлар ҳам айнан ўхшаш натижани кўрсатишмаган ва бу йўналишда, янги тадқиқотлар зарурлигини эътироф этишади[106].

Хусусан, Hall M.et al. (2018) тақдим қилинган натижаларга кўра, коморбидлик анча кам 59.5 – % МИ га чалинган беморлар аниқланади (87; 002501). McManus D.D. etel. (2012) тақдим қилган маълумотларга кўра эса – коморбидлик МИ билан беморларда 77 % аниқланиш частотаси билан қайд этилади[132].

Hudzi K.V. etal. (2017) миокард инфаркида коморбидликнинг аниқланиш частотасини – 94 % [92;7], Worrall – Carter h. et al.( 2016)ni тадқиқотида эса – 82 % тарқалиш частотасида келтирилади[132]. Умуман, МИ ва коморбидлик масаласида маълум даражада ноаниқликлар сақланиб қолган ва келтирилган зид маълумотларга аниқлик киритиш зарурияти, айниқса эпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш йўли билан аниқланади. Худди шундай хулоса МИнинг хатар омилларига нибатан ҳам қилиш мумкин ёки уларнинг МИ келиб чиқиши, кечиши ва асоратланишидан ролларини ҳам тадқиқотларда турлича талқин этилганлигини адабиётлар шарҳи тасдиқлайди.

## **МИОКАРД ИНФАРКТИНИНГ ПРЕВЕНТИВ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, миокард инфаркตินинг замонавий превентив муаммолари бисёр бўлиб сақланиб қолган. Уларнинг ечими – 90 %гача ечилиб, даво – профилактиканинг инновацион технологиялари МИни самарали тўлдиради ва такомиллаштиради[29,97].

Маълумки, дислипидемия (гипер холистиринемия – ГХС ва гипертриглицеридемия – ГТГ) ЮҚК, жумладан, МИнинг хатар омили ҳисобланади. Шунинг учун унинг тарқалиш частотасини популяция даражасида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунчи, ДЛПни турли аҳоли орасида тафовут билан қайд қилиниши кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қайд қилинган.

Я.Г. Гаджиева (2023) Озарбайжон Республикасининг 2013 та умумий популяциясида С 887 нафар эркаклар ва 726 аёлларда ГХС ва ГТГни тарқалиш частоталари ўрганилган ГХС – 78.6 +<sub>-</sub> 0.9 % ва ГТГ 86.76 +<sub>-</sub> 43 % частотаси билан юрак қон-томир касалликларига, АГ ва қандли диабетга (КД2) қўшиб аниқланилган. ГТГ икки баробарга етиб кам частота билан аниқланган бўлсада, ЮҚК ва АГ ҳамда КД 2 ни келтириб чиқаришдаги ҳиссаси анча юқори бўлган[11].

ДЛП билан чақирилган атеросклеротик негизли ЮҚК European Soccirty of Cardiology (маълумотларига кўра, Европа иттифоқ давлатларида ҳар йили 4 млн ўлимга сабаб бўлади. Кўпроқ аёллар ўлимига (2.2млн) эркакларга караганда (1.8 млн) олиб келади. Аслида 65 ёшгача бўлганларда ЮҚК дан ўлим эркакларда кўпроқ кузатилади.

Адабиётлар шарҳидан келиб чиқиб бизга маълум бўлдики, Озарбайжон популяциясида юқори частотадаги тарқалиш частотаси билан кузатилади (1–жадвалда бу ҳозирги маълумотлар келтирилган, цит. Я.Г.Гаджиевадан)

**1 – жадвал**

**Озарбайжон популяциясида холестерин даражасининг аниқланиш частотаси (суръатда эркаклар, махражда аёллар)**

Ёш гуруҳ-лари	Текши-рил-ганлар сони	ХС даражаларининг частотаси							
		<5,0 ммоль/л		5,0-6,4 ммоль/л		6,5-7,8 ммоль/л		≥ 7,8 ммоль/л	
		Му т	%	Му т	%	Му т	%	Му т	%
<20	97	26	26.8 ± 4.5	30	37.1 ± 4.9	21	21.6 ± 4.2	14	14.4 ± 3.6
	133	32	24.1 ± 3.7	35	26.3 ± 3.8	42	31.6 ± 4.0	24	18.0 ± 3.3
20-29	128	34	26.6 ± 3.9	47	36.7 ± 4.3	29	22.7 ± 3.7	18	14.1 ± 3.1
	158	37	23.4 ± 3.4	40	25.3 ± 3.5	50	31.61 ± 3.7	31	19.6 ± 3.2
30-39	147	37	25.2 ± 3.6	49	33.3 ± 3.9	38	25.9 ± 3.6	23	15.6 ± 3.0
	168	35	20.8 ± 3.1	41	24.4 ± 3.3	59	35.1 ± 3.7	33	19.6 ± 3.1
40-49	145	33	24.1 ± 3.6	47	32.4 ± 3.9	39	26.9 ± 3.7	24	16.6 ± 3.1
	182	35	19.2 ± 2.9	47	25.8 ± 3.3	62	34.1 ± 3.5	38	20.9 ± 3.0
50-59	137	31	22.6 ± 3.6	46	33.6 ± 4.1	37	27.0 ± 3.8	23	16.0 ± 3.2
	177	31	17.5 ± 2.9	41	23.2 ± 3.2	62	35.0 ± 3.6	43	24.3 ± 3.2
60-69	131	29	22.01 ± 3.6	41	31.3 ± 4.1	62	35.0 ± 3.6	25	19.1 ± 3.4
	172	26	15.1 ± 2.7	40	23.3 ± 3.2	61	35.5 ± 3.7	45	26.2 ± 3.4
≥ 70	102	2	21.6 ± 4.1	31	36.4 ± 4.6	29	28.4 ± 4.5	20	19.6 ± 3.9
	136	20	14.7 ± 3.0	29	21.3 ± 3.5	51	37.5 ± 4.2	36	25.5 ± 3.8
Жам и	887	214	24.1 ± 1.4	297	33.5 ± 1.6	229	30.6 ± 1.0	147	16.6 ± 1.3
	1126	216	19.2 ± 1.2	273	24.2 ± 1.3	387	34.4 ± 1.4	250	22.2 ± 4.1

Деярли шундай, ГХС каби, юкори частоталарда тарқалиш частотаси ГТГ учун ҳам хос бўлган. Бунинг сабабларини синчковлик билан ўрганиш даркор, деб тилга олинган тадқиқотлар томонидан тавсия қилинади[11].

Замонавий тадқиқотларда тасдиқланишича, МИ муаммосини ечишда унга оид профилактика технологияларни (бирламчи профилактикаси, иккиламчи ва учламчи профилактика) яратиб ва киритиб бориш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, касалликнинг келиб чиқиши, авжланиш ва асоратланиб кечишида асосий ролни (даволашнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсизлигини таъминловчи “куч” бўлиб) икки гуруҳ хатар омиллари ўйнайди:

1) инсон ҳаётида доим содир бўлиб турадиган омиллар: стресслар, гиподинамия, чекиш, алкоголь суистеъмоли, наркомания, токсикомания, нотўғри овқатланиш, интернетга боғланишлик, моноголизм, руҳий, ортиқча овқат ейиш, моддий материал ҳолатнинг пастлиги, маданий таълим

даражасининг пастлиги, дориларни назоратсиз қабул қилиш ўзбошимчалик билан даволаниш;

2) жамоавий гуруҳ кўламида таъсир қилиб турувчи омиллар: атроф муҳитнинг номақбул ҳолатлари (хаво, сув, тупроқ, радиация фони), юқумли касалликларнинг юқори хавфи, озуқа маҳсулотларининг паст сифати, тиббий муассалар ходимларининг қониқарсиз ишлаши, аҳоли моддий фаровонлигининг паст даражаси, табиий ва техноген фалокатлар[38,29].

Д.А. Затейишков, О.О. Фаворова ринит катта ҳажмли метошарҳини тақдим этишган ва асосли исботлаб кўрсатишича, юрак қон-томир касалликлари, жумладан, миокард инфарктининг замонавий эпидемиологик компонентларини ўрганиш – касалликка оид, келиб чиқиш механизмлари бўйича мавжуд тушунчаларни сезиларли ўзгартиради ва бундай қарашларни фундаментал тасдиқларини топада. Хусусан, геномли тадқиқотларга “кўприк солди” ташхис қўйиш учун генетик текширувларни – “ҳаёт кодларини” ёки “тақдир китобларини” очади ва амалиётга жорий этилишига манба бўлиб хизмат қила бошлади[26].

И.Н.Заковряшина ( 2022) томонидан Россия шароитида ST сегменти кўтарилиши билан ўтувчи миокард инфарктини (STкбў МИ) бошидан ўтказган ва перкутан коронар аралашув (ЧКВ) қўлланилган беморларда ўлим хавфи, ортиқча тана вазнига (ОТВ) боғлиқ ҳолда 4-йиллик кузатувда ўрганилган. Текширувга 99 нафар эркаклар киритилган, ўртача ёш  $66\pm 66.8$  йилни ташкил қилган. Яшаб қолиш таҳлили Каплан-Мейер-График усулидан фойдаланиб баҳоланган.

ПКА ўтказилган ST каби МИ билан беморларда ўлим хавфи энг юқори даражада биринчи 6 ойда бўлган. Ўлим ҳодисасининг хавфи ОТВ ортишига пропорционал бўлиб ошиб борган[25].

С.А.Шальнова ва ҳаммуаллиф. (2022) Россия худудлари популяцияларида МИнинг тарқалиш хусусиятларини ўрганишган ва юрак қон-томир ҳодисаларидаги ҳиссасини баҳолаган.

25-64 ёшли репрезентативлиги таъминланган аҳоли Россия Федерациясининг 11 та ҳудудларидан текширувга жалб қилинган.

Россия ҳудудларидаги аҳоли орасида МИнинг тарқалиши 2.9 %ни ташкил этган, 5.2 % эркаклар орасида ва 1.5 % аёлларда қайд қилинган, ёшга боғлиқ ҳолда ортиб бориши тасдиқланган. Анамнезда МИ билан эркаклар статик (39.0 %) ва бетаблокаторларни (25.6 %) аёлларга қараганда (29.3 ва 27.1 %дан мувофиқ ҳолда) кўп қабул қилишган. МИ асосий хатар омиллари-чекиш, АГ, тахикардия, гипертриглицеридемия ва гипергликемия кабилар билан ассоцирланган. Ушбу хатар омилларини мавжудлиги касалликнинг бирламчи профилактикасини етарлича эмаслигини кўрсатади ва профилактика ишларини кучайтирилиши (ХО ни бартараф этишга қаратилган) такрорий МИ ва юрак қон-томир касалликларидан ўлим хавфининг камайишига олиб келади, деб муаллифлар томонидан хулоса қилинган[54].

Шу каби эпидемиологик тадқиқотлар бошқа тадқиқотчилар томонидан (фақат узоқ хорижий мамлакатларда) ҳам ўтказилган.

Хусусан, Virani S.S. et al (2021) Hashim M.J.et al.(2016) ва Nowbar A.N. et al. (2019) тадқиқотларида юрак қон-томир касалликлари асоратлари таркибида ўлим ва ногиронликнинг асосий сабабчиси бўлиб ЮИК/МИ тасдиқланади ва дунё миқёсида ижтимоий саломатликнинг глобал муаммоси сифатида кўрсатилади[127,88,110].

Khan M.A. et al. (2020) бўйича ЮИК/МИ юки ҳаёт давомийлиги ўсгани сари унга мувофиқ бўлиб параллел равишда ўсиб боради. МИ аҳоли орасида ортиб боришининг асосий сабаби бўлиб, ушбу муаллифларнинг тасдиқлаб кўрсатишларича, ЮИКнинг эпидемик тарзда кўпайиши ҳисобланади[101].

МИ ЮИКни эпидемик юки билан боғлиқ ҳолда муаммолашиб ва ёки долзарблашиб бормоқда. ЮИК эса охириги йилларда қуйидаги жиҳатлар билан номақбул эпидемиологик вазиятни туғдирмоқда:

1) Global Burden (2020) тадқиқоти маълумотига кўра, ҳозирги дунёда 126 млн аҳоли (1.72 % ер шари аҳолиси) ЮИК га чалинган;

2) Европада ЮИК тарқалиши ҳар 100 минг аҳолига 3547 нафар, АҚШ да 2929 ва Россияда ҳар 100 минг кишига 4198 нафарга етиб тарқалиш частотаси билан тасдиқланади[101].

Келажакда, яқин йиллар ичида касалликнинг янада ўсиб бориши кутилмоқда. Хусусан, P.Hedenreich et al. (2011) тасдиқланган маълумотлар бўйича 2035 йилга бориб ЮИКнинг тарқалиш частотаси 100 минг аҳолига то 1917 нафарга келиб, яна кўпайиши прогноз қилинган ва бу нохуш эпидемиологик вазият, ушбу муаллифларнинг башоратларига кўра, касаллик қийматини ва молиявий юкини янада оширади[89].

ЮИКнинг эпидемиологик хос жиҳатлари МИда ҳам такрорланади. Чунончи, артеросклероз ва артеротромбоз оқибати бўлиб ривожланган МИнинг қуйидаги хос хусусиятлари замонавий тадқиқотчилар томонидан кўрсатилади:

1)К .Т.Greenlee et al. (2002) маълумотлари бўйича бирламчи МИ 20 % тарқалиш частотаси билан қайд қилинади;

Thygesen K. et al. (2018) бўйича МИнинг ташкилий мезонлари, турли шакллари даволаш усуллари оид тавсиялар ва клиник кўринишларни баҳолаш замон талабларига мувофиқлаштирилиб ташкиллаштирилган, аксарият касалликлар тўсаддан келиб чиқади[125];

3) эркак жинси МИнинг исботланган хатар омили бўлиб ҳисобланади, барча ёш гуруҳларида эркакларда МИнинг тарқалиш частотаси ( 100 минг аҳолига 1786 нафарга тўғри келиб) аёлларига нисбатан (МИ ҳар 100 минг аҳолига 1522 нафарга тўғри келади) устунлик қилади[100].

Эслатиб ўтиш керак бўлади-ки, ўтган асрнинг 50-йилларида амалга оширилган фреминген текширувидан бошлаб МИ эпидемиологияси ва унинг хатар омиллари билан боғланишлик хусусиятлари тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилиб келинади[77,100]. Шундан бери амалга оширилган тадқиқотларда МИ тарқалиш частотасининг ўсганлиги, бунда ёшнинг аҳамияти, хатар омилларининг етакчилиги ва коморбид касалликларнинг устуворлик ролларини борлиги тасдиқланган[41,58,115].

Бундай хулосалар, сўзсиз, турли ҳудуд ва популяция ёки мамлакатларда бир-биридан фарқланади.

Россияда амалга оширилган “ЭССЕ-РФ-преспектив” эпидемиологик тадқиқотидан олинган маълумотларда кўрсатилганидек, бу мамлакатда МИнинг тарқалиш частотаси бошқа мамлакатларга солиштирилганда анча юқори, МИ олди ҳолати ҳам ушбу касаллик йўқ пайтида, асосан биологик ва ўзгартириш мумкин бўлган хатар омиллари таъсирида шаклланади (ушбу ХО ва уларнинг МИ билан асоцирланиши, ЭССЕ-РФ тадқиқоти ва натижалари бўйича 2 жадвалда баён қилинган).

Демак, жадвалда бу яққол аён бўлади, бирламчи профилактика воситаларини ўз вақтида қўллаш билан ХОни бартарафлаб туриш, яъни бирламчи профилактикани, “аҳолидан ажратмасдан” яқин масофада ушлаб туриш инсон сиҳатини миокард инфарктини сақлаб қолиш имкониятини туғдиради ва ёки имкониятини бериш-беморнинг ҳаётда яшаб қолиш имкониятини кескин камайтиради[54].

Кўрсатиб ўтилган ХО орасида қон атероген липидларининг даражасини назорат қилиш, айниқса, ЮҚК/МИ нинг самара берувчи бирламчи ва иккиламчи профилактика стратегияларини амалга оширишда муҳим касб этади[20].

## 2-жадвал

### Миокард инфаркти омилларининг эпидемиологик тавсифланиши (ЭССЕ РФ преспектив тадқиқотидан)

Эпидемиологик кўрсаткичлар	Эркаклар(п=4948); МИ-259,5,2%	Аёллар(п=8498); МИ-259,1,5%
Ўртача ёш, йил	56.4±5.7	58.8±3.5
≥ 50 ёш, п%	87.6	94.6
Маълумот ўртадан паст,п%	6.6	11.6
Маълумот ўрта паст,п%	55.6	60.5
Маълумот ўртадан юқори,п%	37.8	27.9
Чекувчи аҳоли,п%	37.1	7.8
Даромади паст аҳоли,п%	20.8	23.3
Даромади ўртача аҳоли,п%	61.4	71.3
Даромади юқори аҳоли,п%	17.8	5.4

Алкогол суистеъмол,п%	1.9	1.6
АГ,п%	82.2	87.6
Қандли диабет,п%	14.3	31.0
ПЗЛП ХС,ммоль/л	3.3±1.2	3.7±1.1
ЮЗЛП ХС,ммоль/л	1.2±0.3	1.4±0.3
ТГ,ммоль/л	1.4(1.1;2,0)	1.5(1.0;2.1)
Умумий холестилин,ммоль/л	5.2±1.5	5.8±1.4
Креатинин,ммоль/л	5.5(5.0;6.2)	5.6(5.0;6.7)
САД,мм.смм.устун	142.2±22.0	150.8±25.2
ДАД,мм.смм.устун	86.5±13.4	86.8±12.1
ЮҚС,1 дақ/сони	70.9±11.0	75.1±11.4
ОТВ, кг/м <sup>2</sup>	29.2±4.2	31.9±7.9
QT,см	98.2±12.1	96.1±14.3
Коптокчалар - мл/мин/1.73 м <sup>2</sup>	103.4	89.3
Умумий 8мм,п%	23.9	8.5
ЮҚҚдан 8 мм,п%	10.4	3.1
МИ, п%	9.7	7
Комбинирланган оғиш нуқта,п%	19.7	8.5

Атероген липидларни мақсадли даражаларгача етказиб тушириш ЮҚК/МИнинг олдини олишда асосий омил ҳисобланади[67]. Бу мақсадда асосан статинлар муҳим рол ўйнайди, аммо улардан фарқланиб липидларнинг миқдорини меъёрий даражасига етказиб туширишга эришиш амалиётда 12 %дан то 35%гача кузатилади холос[37,122,103,75].

Бундай натижаларнинг сабаби сифатида шифокорларнинг гиполипидемия терапиясини кучайтиришдаги ҳаракатсизлиги, беморлар ўзларининг мажбуриятларини етарлича бажармаслиги ва кўпинча оилавий гиперхолестеринемияни аниқланмай қолиш ҳолатларини сақланиб қолишлилари кабилар кўрсатилади[75].

МИга шифокорларнинг муносабати ҳам унинг муаммоларини топиш ва ечиб беришда муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқотлар томонидан ушбу илмий мавзуга мурожаат қилиш ҳам охириги йилларда кескин ортиб бормокда.

А.А.Герасимов ва Р.Б.Полибинлар (2019) 172 нафар респондентларда аноним тарзда анкета саволларига жавоб бериш усулини ўрганишган. Анкета

37 та саволдан иборат бўлган ва улар орқали шифокорларнинг клиник тавсияларига (КТ) муносабатлари аниқланган. 44,2 % шифокорлар исботланган тиббиёт принципларидан ва 52,3 % клиник эпидемиологиядан танишлиликлари қайд этилган). Мавжуд клиник тавсиялардан қониқиш ҳосил қилмаётганлик шифокорларнинг 41,9 %ида тасдиқланган. Такрорий “МИ” ташхис мезонлари 40,7 % респондентларга маълум бўлган ва 26,7 % кардиоваскуляр профилактика ҳамда кардиореабилитацияга оид тавсияномалардан хабардорликларини билдиришган. Фақат 38,4 % шифокорлар препаратларни МИ билан беморларга умрбод буюриш мувофиқлигига ижобий баҳо беришган ва сўралган шифокорларнинг фақат 16,3 %игина модифирцилланувчи хатар омилларини бартарф қилишга йўналтирилган усулларни самарали деб баҳолашган (қайси-ки такрорий МИнинг олдини олишга олиб келади).

Булар асосида муаллифлар хулоса қилишади-ки, шифокорлар исботланган тиббиёт ва клиник эпидемиология принциплари тушунчаларидан етарлича хабардор бўлмаган ҳолда фойдаланади ЖССТ малумотларига кўра, узоқ йиллар давомида ЮИКнинг ўткир ва сурункали касалликларидан аҳоли ўлими фақат ошиб борди. Чунончи, фақат ЮИК ва инсультдан айрим йиллари 1.5 млнга етиб киши вафот этган (умумий ўлим таркибида 15,5 %ни ташкил этган). Турли йилларда Россия аҳолисида ЮИКдан ўлим кўрсаткичи Евро иттифоқиникидан – 3-5 баробарга, Шимолий ва Лотин Америкаси мамлакатларникидан эса -4-6 мартага ошиқ бўлган, Россиядаги жами ўлимларни 1.4 қисмини ЮИК ташкил қилади.

А.А.Гарганеева ва б.қ.[14,15], А.А. Суворов ва б.қ.[47], И.М. Давидович ва б.қ.[19] ҳамда М.Л. Гинзбург ва б.қ. миокард инфаркти бўйича амалга оширилган йирик тадқиқот натижаларини жамоавий гуруҳ номидан тақдим этишган.

Улардан хулоса чиқариш мумкин бўладики, МИ ҳанузгача юрак ишемик касаллигининг энг хавфли оқибатларини келтириб чиқарувчи касаллик бўлиб ҳисобланади ва ёки шундай эътироф этилади.

Шунинг учун, унинг замонавий қирраларини, айниқса скринингли, регистри коморбидлик фонида кечиши ва профилактикасининг устувор жиҳатларини ўрганиш баҳолаб бериш фан ва амалиётда долзарб масала, зарурият бўлиб ҳисобланади.

### **МИОКАРД ИНФАРКТИНИНГ СКРИНИНГИ, РЕГИСТРИ, КОМОРБИДЛИК ФОНИДА КЕЛИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНинг УСТУВОР ЖИХАТЛАРИ**

Jackevicius С.А., Li P. ва Tu J.V. (2008)лар скрининг – регистрли мазмунидаги тадқиқотларининг натижаларига кўра, МИни ўтказган беморларда даволаниш мажбуриятининг бажаришлари етишмаслиги-камлиги давом этмоқда ва даволовчи шифокор томонидан тўғри ҳаракатлар қилиниши билан ушбу ҳолатни яхшилаш мумкин бўлади.

В.В.Омельяновский ва ҳаммуаллиф (2016) тасдиқланиб кўрсатишича, шифокор кўрсатмаси МИ прогнози, бемор ҳаёти тарзига ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига тўғридан тўғри (бевосита) таъсир кўрсатади. Препарат танлови бўлса, бунинг учун, исботланган тиббиёт принципларидан келиб чиққан бўлиши керак. Бундай ёндашувли даволаш жараёни МИнинг мувофиқ терапияси, бирламчи ва иккиламчи профилактикасининг ўта муҳим бўғими бўлиб ҳисобланади.

Мазкур мавзу кўплаб махсус илмий жабҳаларда ҳам кўриб чиқилган ва ўрганилган, уларнинг натижалари эса зикр этилган хулосани деярли тасдиқлашган[21].

Россия популяциясида, кардиолог ва терапевтларнинг билдирган фикрлари бўйича, 7 та етакчи хатар омили ажратилади ва улар такрорий МИни келтириб чиқаришда қуйидагича %лар билан ҳиссаларини кўшишади: қандли диабет (86,5 %), АГ (82,6 %), чекиш (72,2 %), семизлик (59,3 %), алкогольни кўп истеъмол қилиш (34,9 %), кофеин тутувчи маҳсулотларни истеъмол қилиш (10,5 %) ва Б гуруҳига мансуб витаминларни етишмаслиги (7,0 %)[17].

Кўп сонли тадқиқотларда ушбу омилларни эътиборга олиниши ижобий самарани кўтариши тасдиқланган[9,14,36]. Даволаш –профилактика

дастурларини ушбу натижалардан келиб чиқиб, амалга оширилиши МИ билан боғлиқ хавф ёки асоратларни кескин камайтириши мумкинлиги эпидемиологик-регистрлик, клиник-профилактик тадқиқотларда тадқиқодчилар томонидан кўрсатилади[2,5]. Илмий кузатувларда илмий-метеорологик шароитларнинг ўзгариб туришлари хатар омили сифатида тасдиқланганлиги ҳам эътиборни, МИ/ЮИК билан аҳолида, тортади. Хусусан тасдиқланган-ки, ЮИК, жумладан, МИдан бўладиган “охирги нуқталар” асосан йилнинг совуқ ойларида кўпаяди. Ҳаво нисбий намлигининг ўзгариши, шамол тезлигининг ортиши, атмосфера босимининг ортиши ва ўзгариши, хавонинг ифлосланиши ва озон миқдорининг ортишига боғлиқ ҳолда мавсумий ўлим ҳолатларининг ортиши тадқиқотларда кузатилган[112,118].

В.В.Рябов ва ҳаммуаллиф (2021) 221 нафар шошилиш кардиология бўлимида (ШКБ) даволанган беморларда комплекс таҳлил қилиш йўли билан STдб МИ билан беморларнинг замонавий портретини тақдим этишган. Қуйидагилар аниқланган: STдб МИ билан миждозлар сони ортган, кўп частота билан таъминланиб ST дб эркаларда, ўрта ёшда кузатилган. Обструктив коронар ателосклерозсиз МИ билан миждозлар сони ортган ва яна, замонавий фармакотерапияга ва STдб МИни инвазив даволаш усуллари бўйича клиник тавсиялар жорий этишига қарамасдан, шифохонада бўлаётган ўлим камайганлиги муаллифлар томонидан аниқланган.

Аксарият (79,6 %) P2V12 рецепторлари ингибиторларидан клопидогрел қўлланилган ва инвазив стратегияга 79,6 % миждозлар жалб қилинган.

Миокард реваскуляризациясининг ўтказилмаганлиги сабабчилари сифатида буйраклар сурункали касалликлари (4,6 %), коронар томирнинг оғир даражада шикастланиши (6,3 %) коронар артерияларнинг “оралик“ (60-80 %) стенозлари кўрсатилган. Умумий шифохонадаги ўлим частотаси 9,0 %ни ташкил этган 75 ёшдан ошган беморларда бўлса МИдан ўлим 19,7 % тарқалиш частотаси билан қайд қилинган. Миокард реваскуляризацияси консерватив даво гуруҳидаги беморларда ва ўлим частотаси тафовутланмаган. Лекин консерватив даводагиларда ўпка шиши сезиларли кўп бўлган[43].

Адабиётларда тақдим этилган маълумотлардан маълум бўлишича, кўпчилик давлатларда, масалан, Россияда ЮҚК дан ўлимнинг 2024 йилга бориб 25 %га камайиши кутилмоқда. Бунда етакчилик позициясини МИ эгаллайди. 2017 йилда МИдан шифохонада бўладиган ўлим Россия Федерациясида 13,2 %ни ташкил этган [36]. Евроиттифокда 2015 йил ушбу кўрсаткич 6,8 % даражада қайд қилинган[11].

Rotti M.et al (2016) тадқиқотида исботлаш натижаларига асосланиб қайд қилинган-ки, ST-сегменти кўтарилиши билан ўтувчи МИ ҳиссаси ўткир коронар синдром (ОКС) ортган, ундан бўладиган ўлим ва такрорий ишемик ходисалар ҳам кўпайган. Бу ПКАнинг кенг жорий қилинишига қарамасдан рўй берган[117].

ST сегменти кўтарилмасдан ўтадиган МИ ҳам ўзига хос, шунга ўхшаш жиҳатларга эга. Унинг замонавий жиҳатларидан бири шуки, то ҳозиргача бундай беморларни инвазив даволашга ёндашувларга бир хил фикрлилик (шошилинич ва режали ПКА бўйича) мавжуд эмас ва шошилинич касалхонага ётқизишларнинг энг кўп сабабчиларидан бири эканлиги ҳамда STдб МИ кўпчилик тадқиқотларда тасдиқланади[69,98,95,123].

Умуман МИ терапия профилидаги беморларда шифохона ўлими таркибида сабабчи бўлиб етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Шу муносабат билан беморлар прогнозини янада аниқроқ баҳолаш учун янги маркерларини излаш давом этмоқда[78,128].

Шулардан бири сифатида СДЕ-15 (ўсиш дифференцияси омили-15) тасдиқланган. МИ билан беморларда СДЕ-15, миқдорининг ортиши такрорий МИ бўлишининг 6 ой ичида юқори хавфи борлигини ифодалайди. Ундан такрорий юрак қон-томир ходисалари хавфини кўрсатувчи қўпинча маркер сифатида фойдаланиш мумкин деб тавсия этилади[44,133].

Е.А.Шишкина ва ҳаммуаллиф (2020) Россия Пермь ўлкаси шароитида такрорий МИнинг лаборатор-инструментатив башорат қилувчилари (предикторлари)ни аниқлашган ва олинган натижаларга асосланиб меҳнатга

лаёқатли беморларда такрорий МИни прогнозлаш моделини ишлаб чиқиб амалиётга тақдим қилишган.

Тадқиқотда 424 нафар миждозлар иштирок этишган (ёш медианаси 50 ёш) ва уларнинг барчалари ҳудудий қон- томир марказида МИ бўйича даволанишган. 2 йилдан сўнг ретроспектив таҳлил йўли билан такрорий МИ келиб чиққан беморларнинг электрон тиббий ҳужжатлари ўрганилган. Кўп омилли регрессияли таҳлилда такрорий МИни “даракчилари” (предикторлари) қўйидагича тасдиқланган: чап қоринча ташлама фракцияси (№50%), камқонлик, коронар артерияларнинг (КА) кўп сонли шикастланиши. Бу беморлар мисолида логистикали регрессион модель олинган: бу модел бирламчи инфаркт вақтидан 2 йил ўтган муддат давомида сезгирлиги 73,1 % ва специфик – хослиги 79,6 % ифодаланиб такрорий МИ хавфини башоратлаб бера олган[56].

Ушбу тадқиқотнинг маълумотлари МИни прогнозлашда салоҳиятли ва ишончли предиктив аҳамият касб этади.

Чунки, ҳозирги вақтда ишончли маълумки, МИни ўтказган беморларда ишемия ҳодисаларини такроран келиб чиқиши эҳтимоли узок муддат сақланиб қолади.

Jerberg T. et al. (2015) Швецияда амалга оширилган регистр маълумотларини шу ўринда келтириб ўтириш мумкин бўлади. Бу регистрга 10831 бемор киритилган, юрак қон-томир ўлимини ҳалокатли бўлмаган миокард инфаркти ва инсулинли МИдан кейинги бир йил ичида келиб чиқиш хавфи 18 %ини ташкил қилган. Ўлим ҳолатининг бундай беморларда юқори даража бўлиши, Samarodskaya N.et al. (2017) томонидан тақдим қилинган тадқиқот натижаларида урғу берилиб тасдиқланишича иккиламчи профилактика тадбирларини кучайтириш заруриятини туғдиради[103].

Юқорида зикр этганимиздек, МИ прогнозига кўплаб хатар омиллари таъсирларини ўтказишади. Лекин уларнинг прогноз бериш имкониятлари ҳақида, шу билан бирга йирик ҳажмли тадқиқотларда ўзаро зид хулосалар баён қилинган.

Chin D.V. et al (2019) томонидан Тайван популяциясининг 11183 миждолада ўтказилган тадқиқотнинг маълумотлари тақдим этилган. Ушбу маълумотларга кўра, номақбул прогноз башоратчилари сифатида 65-ёшдан ўтган ёш, юрак етишмовчилигини мавжудлиги, артериал гипертензия, анамнездаги инсульт, буйракларнинг сурункали касалликлари ва бўлмачалар фибрилляцияси тасдиқлади[68].

Японияли тадқиқотчилар –D Nokatani ва ҳаммуаллиф (2013) ушбу хулосаларни тасдиқламайдиган натижаларни кўрсатишган. OASIS номли ушбу “Японияча регистр”да 7870 нафар иштирокчи қатнашган ва унда предиктив қиммати бор омиллар сифатида, такрорий МИ келиб чиқиш хавфига нисбатан, фақат қандли диабет, илгари ўтказилган МИ ва ёш тасдиқланган холос[104].

Шундай зиддиятларни мавжудлиги, буларнинг сабаблари (тадқиқотлар дизайнидаги фарқлари, нохил популяция, ўтказилган реваскуляризациянинг характерининг тафовутланиши, коморбидлик, даволаниш мажбурияти, гендерлик хусусиятлар, ёшга боғлиқ жиҳатлар ёки тавсифлар) охириги йиллардаги яна бошқа тадқиқотларда ҳам қайд этилади[57,64,82,124].

Кўплаб “башоратчи-омиллар” бўлишига ва уларда такрорий МИ келиб чиқишидаги роли ҳақида илмий натижалар олинганлигига қарамасдан, уларни такрорий МИ ривожига ҳиссалари тўлиқ ойдинлаштирилмаган[9,80] ва мунозарали бўлишида давом этмоқда. Кўпчилик тадқиқотчилар айнан шундай илмий далилларни келтираётганлиги адабиётлардан маълум бўлмоқда[84,104].

Демак, МИнинг иккиламчи профилактикасини оптималлашишига йўналтираётган мазмундаги илмий тадқиқотларга эҳтиёж ва зарурият тобора ортмоқда. Тўхтовсиз янги йўналишлар яратилмоқда ва хатар омилларини излаш, уларни МИ предикциясидаги ҳудудий жиҳатларида аниқлаш давом эттирилмоқда. Лекин охириги якуний хулосаларга келиш учун, предиктив-превентив мазмунли моделлардан кичик амалиётда тўлақонли фойдаланишга эришиш учун мазкур мавзудан янги тадқиқотларни ўтказиш ва давом эттириш

керак бўлади. Шундай фикрлаб, илмий манбаларда кўпайганлиги ҳам бизнинг эътиборимизни алоҳида тортди ва хулоса қилиш мумкин бўлади-ки, превенция-инфарктология мавзуси бугунги кунда янада долзарблашган ва заруриятга айланган[1,3,4,22].

Айнан шундай мавзудаги кўрсатмаларни Европа кардиологлари жамияти томонидан охириги йилларда ишлаб чиқилган тавсияларида кенг ўрин олганлиги ҳам диққатни жалб қилади[42].

Ва яна ушбу тавсиялар туртки бўлиб МИнинг эпидемиологияси фармакология назорати ва профилактикасиниг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар деярли барча мамлакатларда ошган ва ёки жадал амалга оширила бошланганлигини ҳам адабиётлар шарҳи тасдиқлайди[10,30,31,32,33].

Айниқса, ST сегменти депрессияси билан кечувчи МИнинг кўпаётганлигига оид ва келтирилган эпидемиологик кўрсаткичлар қуйидаги хусусиятларни ифодалаш билан диққатни жалб қилади:

- 1) Охириги 20 йилда МИ ушбу тури 50 %дан ошиққа етиб ортган;
- 2) Параграф ST кўтарилишсиз ифодаланувчи МИни хатар омили сифатида диабет, гипертония ва семизликнинг роли ошган;
- 3) Ангиографияни эрта қўллаш стратегияси (шифохонага  $\leq 72$  соатгача бўлган вақтда) 9 %дан (1995) то 60 %гача(2015) ошган ;
- 4) Эртаки тиббий тўлиқ ёрдам стратегияси қўллаш оқибати бўлиб МИ дан 6 ойлик ўлим кўрсаткичи 17.2 %дан 6.3 %гача камайди (яъни охириги 20 йилда салкам 3 баробарга[42].

Эпидемиологик, предиктив ва превентив тадқиқотлар асосида ST сегменти депрессияси билан кечувчи МИ скрининг ташхисоти даволаш ва профилактика стратегиялари 15 та қуйидаги йўналишларда ривожлантирилган ва янгиланган: ташхисот, тропонин текшируви ва бошқа биомаркерлар, ташхиснинг тезкор “тасдиқлаш” ва “истисно” қилиш алгоритмлари, тропонинга таъсир кўрсатувчи омиллар, ишемик хавфни баҳолаш, гемorroгик хавфни баҳолаш, ноинвазивли визуализация, инвазив стратегия учун хавф

стратификация, реваскуляризация стратегияси, нообструктивли коронар артериялар билан МИ, коронар артерияларнинг тўсатдан диссекцияси P<sub>2</sub> Y<sub>12</sub> рецепторлари ингибиторлар билан дастлабки терапия, операциядан кейин анитромбицитар терапия ва ТАТ (учлик анитромбицитар терапия) кабилар бўйича[42,39].

Antoniades С. ва ҳаммуаллифлар (2020) ўзларининг жуда катта таҳлилий мақоласини ишончли исботлашадики, охириги йилларда рақамли тиббиёт кардиология соҳасида эришилган ютуқлар бизни персоналаштирилган тиббиёт чин равишда жорий қилинишига жуда яқин олиб келди[59].

МИни предиктив ва превентив йўналишларини ўрганиб бориш ҳамда бу борада янги алгоритм, модель ва дастурларини ишлаб чиқиш заруратини ошганлигини кўрсатади, яна шу билан изоҳланади-ки, ПКАни бажариш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди ва бундан ташқари, у хавфсизлиги мутлоқ таъминланган даволаш усули ҳам эмас[49].

Лекин ПКА миокард инфарктида даволаш стратегиясини асосий босқичи бўлиб ҳисобланади[96,108].

Ушбу амалиётни 12 соат ичида бажарилиши энг яхши прогноз билан бирлашади.

Аммо кўпчилик тадқиқотлар тасдиқлашича ва кўрсатишича, 35 % беморлар 12-соатлик терапевтик ойнадан кеч қолишиб касалхонага тушишади[80].

Аслида дастлабки 2 суткадаги ПКА кўнгилли ҳолларда ўзини оқлайди, лекин ишемия бошланганидан кейин қанча муддат ўтган бўлиб давом этаётганидан қатъий назар-ПКАни бажариш ўзини оқлайди[108,120,123].

Қайд этилган даволаш стратегиялари йирик тадқиқотларда маъқулланган, чунки улар ўзларининг натижавий имкониятларини кўрсатишган[120,126,91].

Д.А. Алимов ва ҳаммуаллиф (2022) даволаш натижаларини баҳолаш учун ЎКС билан Республика шошилинич тез тиббий ёрдам марказига мурожаат қилишган 1888 беморларда ретроспектив таҳлил ўтказишган. ЎМИ (Q-ли ва

Q-сиз) 64,9 %ни ташкил қилган. Шошилинич коронаграфия 65,3 % беморлардан қилинган; беморларнинг фақат 45 %и касалхонага биринчи 12 соатда тушишган; реперфузион терапия 60 % ҳолатларда бажарилган. Муаллифларнинг маълумотларидан кўринадики, ПКА асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтиради ва МИ билан беморларни яшаб қолишларини кескин оширади[1].

Ч.С.Егорова ва ҳаммуаллиф (2022) 7031 нафар ЎКС билан беморларни Россия шароитида таҳлил қилиб натижаларини тақдим этишган. ИМ натижалари кўрсатишича, шифохонадаги ўлим -3,6 %и ташкил этган ЎКС нинг асосий якуни ЎМИ ( Q тури- 34,9 % ва Q-сиз шакли -27,0 % ) ва нотурғун стенокардия (19,1 %) бўлган . Ҳаётга таҳдид солувчи ЎКСнинг асоратлари 23 %ни ташкил қилган ва нисбатан кўп бўлиб (16,3 %) оғир аритмиялар кузатилган. Шу билан бирга ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам самараси юқори бўлган, бунинг далолати юқорида келтирилган паст даражадаги ўлим кўрсаткичидир[22].

Умуман, илмий манбалар яққол кўрсатади-ки, охириги йилларда ЎКС/МИ билан беморларда сифатли ва самарали ҳамда беҳавф тиббий тез ёрдамни ташкил қилиш тубдан ўзгарган. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш жоиз бўлади, превентив ва профилактик инфарктология томон “берилиш” кескин ортган.

## ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИ ВА УНГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ПОПУЛЯЦИЯ ТАВСИФИ

Ретро – проспектив эпидемиологик тадқиқот 2001-2021 йилларда амалга оширилди. Унинг объекти қилиб Республика шошилинич тез-тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон бўлимларида даволаш курсини ўтказишган беморлар популяцияси олинди. Тадқиқотга кардиология, шошилинич терапия ва кардиореанимация бўлимларига миокард инфаркти билан 2001-2021 йилларда ётқизилган 2222 мижозлар киритилди. Жами қилинган популяцияни эпидемиологик тавсифи 2.1 жадвалида кўрсатилган. Беморлар Фарғона водийсининг учта вилоятидан - Наманган, Фарғона ва Андижонда истиқомат қилувчилар бўлинган ва қуйидагича тавсифланилади: эркаклар - 1645 нафар (74,1%) ва аёллар 577 нафар (25,9%); 20-29 ёшлилар- 3 нафар (0,1%), 30-39 ёшлилар - 40 нафар (1,8%), 40-49 ёшлилар -290 нафар (13,1%), 50-59 ёшлилар - 713 нафар (32,1%), 60-69 ёшлилар - 661 нафар (29,7%), 70-79 ёшлилар - 432 нафар (19,4%) ва  $\geq 80$  ёшлилар - 83 нафар (3,7%); ўтроқ – абориген аҳоли 2151 нафар (96,8%), келгинди аҳоли – 71нафар (3,2%); тўлиқ -ўрта маълумотлилар - 2074 нафар (93,3%) ва олий маълумотлилар - 88 нафар (3,9%); оилалилар – 1648 нафар (74,2%) ва оиласизлар - 574 нафар (25,8%); ишчилар – 1794 нафар (80,7%) ва раҳбар лавозимида ишловчи аҳоли – 108 нафар (4,9%); ақлий меҳнат билан машғул – 257 нафар (11,6%) ва жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи аҳоли – 1618 нафар (72,8%); касбий хатар омиллари бор аҳоли - 1531 нафар (68,9%).

Тақдим қилинган тавсифдан аён бўладики, МИнинг аниқланиш частоталари юқори даражалари - 50-59 ва 60-69 ёшлиларда, абориген аҳолида ва тўлиқ – ўрта маълумотли, оилали ва ишчиларда, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларда ва касбий хатар омили бор аҳолида ҳамда эркакларда тасдиқланади.

## ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Татқиқотда стандартизацияланган ва унифицирланган, Россия (2020), ESC (2017) ACC/AHA (2018, 2021) клиник тавсияларида тақдим этилган текшириш усуллари қўлланилди[29,61,127] схемада текшириш усуллари баён қилинган:

схема

### Тадқиқотда қўлланилган усуллар

Тадқиқот усуллари			
Сўровномали усул	Клиник усул	Биокимёвий усул	Инструментал усул
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Анамнез маълумотларини ёзиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• МИ учун хос симптомлар</li> <li>• ни топиш, триггерларни баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қоннинг хужайравий таркибини ўрганиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЭКГ</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• МИ хатар омиллари ҳақидаги маълумотлар</li> <li>• ни йиғиб аниқлик киритиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ностабил овозли манзарала</li> <li>• ниш ёки перикард ишқаланиш шовқинига аниқлик киритиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЭЧТни ўрганиш ва баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• МИнинг продромал даври маълумотларини ўрганиш ва баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тери қопламлари шиллик қаватларини ўрганиш ва баҳолаш, тана ҳароратлари</li> <li>• ни аниқлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Миокард микрозининг биокимёвий белгиларини аниқлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• УТТ ЭхоКГ</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• МИ ривожланишига сабаб бўлган шароитларни ўрганиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бўйин томирлари</li> <li>• нинг қон билан тўлдирилиши ҳолатини</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Биокимёвий белгиларини динамикада аниқлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• КАГ</li> </ul>

	Ўрганиш ва баҳолаш прогнози ва шкалаларини қўллаш		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Яқин қариндошлар</li> <li>• даги ЮҚК ҳақидаги маълумотлар</li> <li>• ни ўрганиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўздан кечириш, пальпация, перкуссия ва аускультация маълумотларини аниқлаш ва баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• АСТ ва АЛТ динамик ўзгаришларини нисбатини баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• МРТ</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Роуз “+” ва “-” маълумотларини баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бецольд –Яриша рефлекс ва ички аъзоларининг физик текширув маълумотларини ўрганиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Миокард инфаркти ташхисотини “Олтин қоида”си бўйича ноҳос лаборатория ўзгаришларини баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• АПЎ, АБни ўлчаш ва баҳолаш</li> </ul>

### **Сўровномали усул:**

ЖССТ сўровномасидан (WHO STEPS Instrument Question – by Question G-ide) фойдаланилди ҳамда ЎзР ССВ томонидан тасдиқланди. “Асосий сурункали юқумли касалликлар ва уларнинг хатар омилларини аниқлаш учун сўровнома” (Қаюмов У.К., 2020) қўлланилиб бажарилди: анамнез маълумотлари йиғилди (илгари бошдан ўтказилган МИ, зўриқишдаги ёки тинчликдаги стенокардиялар бўйича); МИнинг хатар омиллари ҳақидаги маълумотлар йиғилди ва баҳоланди: МИ олди ҳолати маълумотлари ва касаллик ривожига сабаб бўлган шароитлар ҳақидаги маълумотлар тўпланди; яқин қариндош- уруғларидан юрак қон-томир касалликлари ҳақидаги маълумотлар йиғилди, ангиноз синдром ( Роуз, +1 (позитив) ва Роуз, – 4(манфий ) ўрганилди ва баҳоланди.

### **Клиник усуллар:**

МИ ўткир ва нимўткир ҳамда чандиқланиш босқичларида қўлланилади:

1) касаллик учун хос симптомлар ва МИнинг триггерлари (ортиқча жисмоний ва рухий зўриқиш, инфекциялар, ўткир касалликлар ва б.қ.) аниқланди ва баҳоланди;

2) нотабий овозли манзараланиш, бради-, норма- ёки тахикардия, ритм бузилишлари, юрак учи турткиси соҳасида биринчи тоннинг сусайиши, галоп ритми (III-тон) ёки перикард ишқаланиш шовқинига аниқлик киритилди;

3) тери қопламлари ва шиллик қаватлари ўрганилган ҳолда баҳоланди (тери рангпарлиги, гиппергидроз, акрацианоз), тана ҳарорати аниқланди;

4) бўйин томирларининг қон билан тўлдирилиш ҳолати ўрганилди ва баҳоланди;

5) кўздан кечириш, палпация перкуссия ва аускультация маълумотлари аниқланди ва баҳоланди;

6) Бецольд –Яриша рефлекси (адашган нервнинг жалб этилиши билан боғлиқ келиб чиқадиган брадикардия ва б.қ ), ички аъзоларининг физик текширув маълумотлари ўрганилди ва баҳоланди.

#### **Биокимёвий текширув усуллари:**

Қонда умумий холестерин (ммоль/л) ва глюкоза (ммоль/л) экспрессивно ёрдамида аниқланди (бунинг учун охири овқат истеъмолидан 12-14 соат муддат ўтказилиб, венозли қон олиниши қоидалари таъминланди. Лаборатор текширувларда қоннинг хужайравий таркиби ўрганилди ва баҳоланди: лейкоцитоз (то  $10-12 \cdot 10^9/\text{л}$ ) нейтрофилли силжиш билан ифодаланган лейкоцитар формула ва анэозинофилия ташхиси мезон сифатида қабул қилинди. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ўрганилди ва баҳоланди. “Миокард некрозининг биокимёвий белгилари” (АСТ ва АЛТ) ферментларининг ортиши, МВ-КФК массаси ва фаоллигининг ортиши ҳамда уларнинг динамикада хос ўзгаришлари ўрганилди, энзимия ташхиси мезон сифатида улардан фойданилди.

Биокимёвий текширувларда МИ учун ташхисий эҳтимоли юқори бўлган нохос ўзгаришлар ҳам баҳоланди ва касалликнинг ташхисий “олтин қоида”лари таркибида қиёсий баҳоланиб: гипергликемия, гипоальбуминемия,

гиперглобулинемия, гиперфибриногенемия, С-реактив оксилга ижобий реакция ва гиперурекемия кабилардан фойдаланилди.

### **Инструментал текширувлар:**

1. ЭКГ текшируви 12 та стандарт уланишларда осойишталик ҳолатида бажарилди. Икки гуруҳ инфарктсимон ЭКГ ўзгаришларни иккита гуруҳи клиник вазиятлар билан боғланган (миокардитлар, перикардитлар, кардиомиопатиялар, электролитли бузилишлар, бош миёда қон айланишини ўткир бузулишлари, ўткир панкреатит ва холицистит) ва ЭКГ-феноменлар (гис тутами оёқлари қамаллари, Вольф-Паркенсин-Уайт синдроми, чап қоринча гипертрофияси, эртаки реполяризация синдроми, Бругада синдроми) истисно қилинди.

ЭКГ миннесот коди (МК) бўйича баҳоланди ва МИ қуйидаги кодлар бўйича ташхисланди:

- 1) 1.1-1.2.7 (бошдан ўтказилганлиги ҳужжатлаштирилган МИ);
- 2) 4.1-4.2 ва 5.1-5.2, -3.1 ва 3.3 истисно қилинганда (МИнинг оғриқсиз шакли);
- 3) 4.3, 5-3 (ўткир ишемия эпизоди бўлиб ўтганлиги);
- 4) 6-1 , 7-1 ва 8-3 (МИнинг аритмик шакли);
- 5) 4-1, 4-2, 5-1, 5-2, 3.1 ва 3.3 билан (МИ чап қоринча гипертрофияси фонида).

ЭКГнинг қуйидаги ўзгаришлари ОМИнинг белгилари сифатида (гис тутами қамали ва чап қоринча гипертрофияси аниқланмаган тақдирда) қабул қилинди:

ST сегментининг кўтарилиши – иккита уланишларда ST сегментининг янгитдан эркакларда  $\geq 0.2\text{мВ}$  дан ёки  $>0.15\text{мВ}$  дан аёлларда  $V_2$  ва  $V_3$  да ва /ёки  $\geq 0.1\text{мВ}$  дан барча бошқа уланишларда ифодаланиб кўтарилиши;

ST сегменти депрессияси (янги горизонтал қуйи томон ST сегментининг  $\geq 0,05$  мВ шаклда ифодаланиб, иккита уланишда депрессия ва /ёки иккита уланишда Т тишчасининг  $\geq 0.1\text{мВ}$  зиёд инверсияси  $R/S > 1$  га нисбатан қаварик R тишчаси билан;

RST сегменти элевацияси, пардининг монофазали эгрилиги (8 та ўткир босқичдаги МИ); патологик Q тишчаси ( $> 0.03c$ ) ёки QS; RS-T сегменти элевацияси ва T ижобий тишчаси, RS-T сегментининг изоэлектрик жойлашуви ва манфий (коронарли) T тишчаси (МИнинг ўткир босқичи);

Q патологик тишчаси ёки QS комплекси (некроз) ва манфий коронарли T тишчаси (ишемия) ҳамда RSTни изолинида жойлашуви (МИ нимўткир босқичи, чандикланаётган МИ);

Патологик Q (ёки QS) ва нимжон манфий, силлиқланган ёки ижобий T тишчаси (чандикланган МИ босқичи).

2. Юрак ультратовушли текшируви (УТТ) муҳим қўшимча МИ ташхисий усули сифатида амалга оширилди ҳамда чап ва ўнг қоринчани маҳаллий қисқарувчанлиги бузулишлари кўлами аниқланди ва баҳоланди. Мавжуд клиник ифодаланиш фонида унинг натижалари миокард ўчоқли шикастланишининг муҳим аломати сифатида қабул қилинди.

3. Эхокардиография барча беморларга даволаш муассасасининг имкониятидан фойдаланиб, Vivid GE95 Healthcare (АҚШ) аппаратида бажарилди. Эхокардиографик манзараланишлари таҳлили EchoPAC v-202(GE Healthcare) дастурий таъминотидан фойдаланиб ўтказилди.

Миокардиал фаолиятнинг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланди ва баҳоланди: GWI –глобал миокардиал фаолият индекси (мм сим. уст., %), GCW –глобал конструктивли фаолият (мм сим.уст. ,%), GWW-глобал йўқотилган фаолият (мм сим.уст.,%) GWE – глобал фаолиятнинг самарадорлиги (%), GLS –глобал чизикли деформация (%), GCS –глобал циркулярли деформация (%). Чап қоринча ташланмаси кўрсаткичлари (камайган, ўртача даражада камайган, сақланган) аниқланди ва баҳоланди, акинезия ва гипокинезия жойлашувлари қайд қилинди.

4. Рентгенологик текширувлар SIEMENS аппаратида ўтказилди ва ўпка, юрак уч проекцияда рентгенография қилинди.

5. Антропометрик ўлчовлар (АПЎ) ва артериал босимни (АБ) ўлчаш усуллари қуйидагича амалга оширилди [29]: бўй ўлчами (ТУ). ТВ ва ТУ

нисбати аниқланди ва баҳоланди. Бунинг учун Кетле индексидан фойдаланилди (КИ: тана вазни индекси), у қуйидаги формула бўйича аниқланди:  $КИ = \frac{ТВ(кг)}{ТУ^2(м)}$ . АБ ўтириш ҳолатида, ўнг қўлда ва 3-марта ўлчанганлиги ҳисобга олинди. Анъанавий симобли сфигманометрдан фойдаланилиб стандарт услублар бўйича АБ ўлчанган.

## **МИОКАРД ИНФАРКТИ КОМОРБИДЛИК ВА ХАТАР ОМИЛЛАРИНИНГ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ**

Тадқиқотга стандартизациядан ўтказилиб махсус тайёрланган мутахассислар жамоаси жалб қилинди ва ҳар бир миокард инфаркти билан боғлиқ клиник вазият 3 кишидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан таҳлил қилинди, баҳоланди ана шундан кейин тадқиқот объекти сифатида қабул қилинди .

МИ ташхиси клиник, электрокардиографик, эхокардиографик, биокимёвий ва патологик тавсифлар мажмуаси бўйича қўйилди, халқаро клиник тавсиялардан фойдаланилди[14,42,61,124]. Уни ташхислашда ва баҳолашда юрак мушаги зарарланишининг чуқурлиги ва катталиги, касалликнинг кечиши характери, МИ жойлашуви ва босқичи ҳамда асоратлари ҳисобга олинди.

ЎМИ 3- тури баҳоланди ва ўрганилди: ЎМИ -1-тури (спонтан келиб чиқиши МИ), 2-тури (иккиламчи характерли, ишемия натижасида келиб чиқувчи МИ), 3-тури (қўққисдан юрак ўлими), 4-тури (ички коронар муолажа билан боғланган МИ), 4б-тури-стент тромбози билан боғланган МИ ва 5-тури – Аортакоронар шунтлаш билан боғланган МИ.

Ўткир миокард инфаркти деб миокард ишемияси билан боғлиқликда келиб чиқувчи клиник вазиятда миокард ўткир некрози аломатлари бўлган чоғда қабул қилинди. ЎМИ инвазив муолажалар билан боғланмаган бўлиб, қонда биокимёвий маркерлар концентрациясининг меъёридан ошиши ёки ўзгариб туришида ва унга қўшилиб миокард ишемиясидан дарак берувчи қуйидагилардан энг камида биттаси бўлган тақдирда МИ ташхиси қўйилди:

- 1) миокард ишемиясининг клиник кўриниши;

2) миокард ишемияси пайдо бўлганида дарак берувчи ЭКГ ўзгаришлар;  
3) ЭКГ да патологик Q –нинг пайдо бўлиши;

4) ишемик этиологияли, маҳаллий қисқарувчанликнинг бузилиши ёки миокард ҳаётчанлик белгиларининг йўқолиши;

5) коронар артерияда тромбнинг коронар ангиографияда аниқланиши.

Коронар оқим даражаси (3-, 2-, 1- ва 0 даража) ва стационар шароитда ўлим хавфи TiMi шкаласи бўйича [9], ўткир юрак етишмовчилиги оғирлиги Killip ва Kimball бўйича (1967) МИ билан беморларда баҳоланди[29,80].

МИ билан беморларда коморбидлик (бир вақтнинг ўзида 2 та ва ундан ортиқ соматик касалликларни қайд қилиниши) CiRS (Cumulative illnts rating scale) ва Каплан- Feinstein индекси мезонларидан фойдаланиб аниқланди ва баҳоланди (А.Л Верткин, 2012)

МИнинг куйидаги: гиперхолестеринемия, чекиш ОТВ/семизлик, гиподинамия, алкоголь истеъмоли, гипергликемия, стресс, АГ, мева ва сабзавотларни меъеридан кам истеъмол қилиш (МСМКИ) хатар омиллари ўрганилди ва беморларда баҳоланди. Хатар омилларини аниқлаш ва баҳолашда ЖССТ экспертлари тавсиялари қўлланилди (WHO, 1999):

- Гиперхолестеринемия деб холестериннинг қон зардобидаги  $\geq 5.0$  ммоль/литр даражаси қабул қилинди;
- Наҳорги гликемиянинг  $\geq 7$  ммоль/литр даражаси гипергликемия деб қабул қилинди;
- Чекиш хатар омили сутка давомида ҳеч бўлмаганда бир дона сигарет чекиш қайд этилиши қабул қилинди;
- Алкогол истеъмоли деб – қачонки текширувчи бемор ойига бир марта бўлса ҳам спиртли ичимликлар истеъмол қилинганда қабул қилинди;
- Гиподинамия (паст жисмоний фаоллик) -мижоз томонидан ҳафта давомида икки соатдан кам жисмоний меҳнат ва бадантарбия машғулоту билан шуғулланиш бўлганда ташхисланди;
- ОТВ тана вазни  $\geq 23$  кг/м<sup>2</sup> бўлганда, семизлик – ОТВ индекси  $\geq 30$  кг/м<sup>2</sup> аниқланганда ташхисланди;

- МСМКИ мезони фонида –кунига ўртача 400 г дан кам мева ва сабзаёт маҳсулотлари қабул қилиш belgilandi;
- АГ деб систолик АБ  $\geq 140$  ммоль сим.уст. ва диастолик  $\geq 90$  ммоль сим.уст. тенг даражалари қабул қилинди;
- Стресс омили – узлуксиз руҳий ёки жисмоний зўриқиш ҳолатларини устуворлиги қайд этилган хатар омили сифатида қабул қилинди.

## РАҚАМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш учун статистик параметрлар ва ҳар бир кўрсаткичнинг тақсимлаш шаклини баҳолашни таъминлайдиган модуллардан фойдаланилди.

Частоталар ўлчанадиган тоифалар сони анча катта бўлиши мумкин, шунинг учун битта кузатувнинг у ёки бу тоифага кириш эҳтимоли жуда кичик ҳисобланади. Шу сабабдан бундай тасодифий ўзгарувчининг тақсимланиши Poisson қонуни деб номланувчи ноёб ҳодисалар қонунига бўйсунди ва  $\lambda$  параметри деб юритилади. Бу шуни англатадики, nominal ўзгарувчан  $E_i$ нинг баъзи тоифалари учун кутилган частота бир вақтнинг ўзида унинг дисперсияси бўлади. Бундан ташқари, Пуассон қонуни кўп сонли кузатувлар билан нормал бўлишга интилади.

Шуни эсда тутиш керакки, нормаллик фақат етарлича юқори частоталарда намоён бўлади. Статистикада кузатувларнинг умумий сони (частоталар йиғиндиси) камида 50 ва ҳар бир гуруҳда кутилган частота камида 5 бўлиши керак деб тахмин қилинади. Фақат бу ҳолда, юқорида кўрсатилган қиймат standart normal тақсимотга эга. Фараз қилайлик, бу шарт бажарилди.

Standart normal тақсимот учун деярли барча қийматлар ичида бўлади. (учта sigma қоидаси). Шундай қилиб, биз битта гуруҳ учун частоталарнинг нисбий фарқини олдик. Бизга умумлаштирувчи чора керак. Сиз шунчаки барча оғишларни қўша олмайсиз-биз 0 ни оламиз (нима учун тахмин қилинг). Пирсон бу оғишларнинг квадратларини қўшишни таклиф қилди.

$$\chi_n^2 = \sum_{i=1}^n \frac{(O_i - E_i)^2}{E_i}$$

### Пирсоннинг $\chi^2$ мезони

Пирсон  $\chi^2$ , биринчи навбатда, фавкулотда вазиятларда жадвалларни тахлил қилиш учун ишлатилган. Шунини таъкидлаш керакки, жадваллар билан ишлашда  $\chi^2$  кўпинча хавф ҳисоб китоблари (мутлоқ ва нисбий рисклар) ва коэффицентлар нисбати ёрдамида хавф омилларини тахлил қилиш учун ишлатилган.

Ушбу формула ёрдамида битта гуруҳ учун частоталарнинг, яъни  $Q_i$  юқори ва  $E_i$  куйи нисбий фарқини ҳисобланган.

Бу Пирсоннинг  $\chi^2$ -квадрат мезони учун статистикасида, статистик қиймат нисбатан кичик бўлади (оғишлар нолга яқин). Статистиканинг катта аҳамияти частоталар ўртасидаги сезиларли фарқлар фойдасига далолат беради. Объектларнинг танланган гипотетик тоифалари ўртасидаги фарқлар аҳамияти параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усуллари – Пирсон бўйича  $\chi^2$  тести ёрдамида ҳар қандай параметр билан баҳоланди. Фарқлар 5% аҳамиятлилик даражасида ёки  $p < 0,05$  да муҳим эканлигини кўрсатганимизда, улар ҳали ҳам ишончсиз бўлиш эҳтимоли 0,05 эканлигини билдирамыз. Фарқлар 1% аҳамиятлилик даражасида ёки  $p < 0,01$  да муҳим эканлигини кўрсатганимизда, улар ҳали ҳам ишончсиз бўлиш эҳтимоли 0,01 эканлигини билдирамыз.

Статистик материалларни рўйхатга олиш ва ҳисоблаш учун MS EXCEL У.8169.82173 ТМСП4 (Microsoft Company) амалий компьютер дастурлари тўпламидан фойдаланилган.

## **МИОКАРД ИНФАРКТИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА КАТТА ЁШДАГИ АҲОЛИДА 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАРНИН ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФИ**

МИнинг эпидемиологик тавсифлари узоқ йиллик кузатувларда кам тадқиқ қилинган, Ўзбекистон шароитида умуман бундай тадқиқотлар ўтказилмаган. Шундан келиб чиқиб катта ёшдаги аҳолида эпидемиологик проспектив (21 йиллик) тадқиқот бажарилди ва ушбу касалликнинг эпидемиологик жиҳатлари ўрганилди ҳамда 21 йиллик аҳамиятли ўзгаришлар тенденциялари аниқланди. Олинган илмий натижалар 3.1 – жадвалда умумлаштирилди ва 4 – расмда (иловадан) акс этдирилган.

Улардан хулоса қилиш мумкин бўладики, МИнинг кузатув йилларидаги ўртача тарқалиш частотаси 12,0% ни ташкил этади. Турли йилларда тафовутланиб аниқланиш частотаси билан қуйидагича тасдиқланади: 2001 йили – 29,6% , 2010 йили – 15,2%, 2011 йили – 10,3%, 2012 йили – 8,9%, 2013 йили – 20,7%, 2014 йили 14,6%, 2015 йили – 8,3%, 2016 йили – 9,4%, 2017 йили – 9,4%, 2018 йили – 13,6%, 2019 йили – 16,4%, 2020 йили – 10,5% ва 2021 йили 7,6%.

Умумий хос тенденция – 21 йиллик мониторингда МИнинг статистик ишончли камайиб бориши тасдиқланади: тадқиқот йилларида касалланишнинг умуман аниқланиш частотаси – 29,6% дан то 7,0% гача, яъни 22,6 %га ёки 3,2 баробарга камайиш билан тавсифланади ( $P < 0,001$ ).

Q – ли миокард инфарктининг (МИ - Q) ўртача аниқланиш частотаси, жами МИ таркибида, 70,8% даражада тасдиқланади. Текширув йилларда тарқалиш частотаси деярли ўзгармасдан (71,8% ва 71,7% дан аниқланиш билан,  $P > 0,05$ ) кузатилади.

Q – сиз миокард инфаркти (МИ - Q сиз) умумий МИнинг 29,2% ни ташкил этиб қайд этилади ва 21 йил давомида – 25,4% дан (2001 йилда) то 28,3%га етиб (2021 йилда), яъни 7,1 %га ёки 1,1 баробарга ортиши билан кузатилади  $P > 0,05$ .

## Андижоннинг катта ёшдаги аҳолисида миокард инфаркти эпидемиологияси

МИ турлар	N	Q МИ		N	Qсиз МИ		N	МИ ST(+)		N	МИ ST(-)		N	МИ йуқ		N	Жами МИа	
		n	%		n	%		n	%		n	%		n	%		n	%
<b>2001</b>	71	51	71,8	71	18	25,4	71	9	12,7	71	1	1,41	71	0	0,0	71	21	29,6
<b>2010</b>	151	101	66,9	151	44	29,1	151	15	9,9	151	0	0,00	151	0	0,0	151	23	15,2
<b>2011</b>	204	146	71,6	204	58	28,4	204	29	14,2	204	0	0,00	204	1	0,5	204	21	10,3
<b>2012</b>	246	171	69,5	246	75	30,5	246	36	14,6	246	2	0,81	246	0	0,0	246	22	8,9
<b>2013</b>	92	68	73,9	92	24	26,1	92	9	9,8	92	1	1,09	92	0	0,0	92	19	20,7
<b>2014</b>	144	102	70,8	144	42	29,2	144	18	12,5	144	0	0,00	144	3	2,1	144	21	14,6
<b>2015</b>	228	164	71,9	228	64	28,1	228	45	19,7	228	2	0,88	228	0	0,0	228	19	8,3
<b>2016</b>	224	156	69,6	224	68	30,4	224	35	15,6	224	1	0,45	224	0	0,0	224	21	9,4
<b>2017</b>	128	91	71,1	128	37	28,9	128	25	19,5	128	0	0,00	128	0	0,0	128	12	9,4
<b>2018</b>	132	92	69,7	132	40	30,3	132	22	16,7	132	0	0,00	132	2	1,5	132	18	13,6
<b>2019</b>	195	128	65,6	195	67	34,4	195	24	12,3	195	1	0,51	195	5	2,6	195	32	16,4
<b>2020</b>	209	161	77,0	209	48	23,0	209	31	14,8	209	2	0,96	209	0	0,0	209	22	10,5
<b>2021</b>	198	142	71,7	198	56	28,3	198	40	20,2	198	1	0,51	198	0	0,0	198	15	7,6
<b>2001- 2021 йиллар</b>	2222	1573	70,8	2222	649	29,2	2222	338	15,2	2222	11	0,50	2222	11	0,5	2222	266	12,0

Тадқиқот маълумотлари яъни тасдиқладики (4–жадвал), ST сегментини кўтарилиши билан кечадиган МИ (МИ - ST) касалликнинг ST – сегменти депрессияси билан ўтувчи шаклига (МИ – ST сиз) 14,5% га етиб ортиқ тарқалиш частотаси тасдиқланади: 15,2% ва 0,5% аниқланиш частотаси билан исботланилади ( $P < 0,0001$ ).

МИ – ST илк текширув йилида (2001 йил) – 12,7% ва текширувнинг якуний босқичида (2021 йил) – 20,7% тарқалиш частотаси билан аниқланади ва ёки 7,5%га, яъни 1,6 баробарга етиб кўпайиш билан тасдиқланади ( $P < 0,05$ ).

МИ – ST сиз тарқалиш частотаси текширувнинг жами йилларда жуда кам частоталарда тарқалиш билан тасдиқланади. 21 йиллик мониторинг даврида – 1,4% (2001 йили) ва 0,5% дан (2021 йили) аниқланиш частотаси билан, яъни 0,9% га ортиб ( $P < 0,05$ ) МИ нинг ушбу тури қайд қилинади.


Хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар маълумотларига ушбу натижалар таққослаганда умуман кескин фарқ кузатилмайди: деярли яқин ёки бирдай эпидемиологик тавсифлар МИ га нисбатан Андижон шароитида тасдиқланади [1,62,94,77].

5–жадвал ва 1 – расмда абориген (ўтроқ) ва ўтроқ бўлмаган (келгинди) аҳоли популяциясида Q – ли миокард инфарктининг тарқалиши частотаси ва 21 йилдаги аҳамиятли бўлган тенденцияларига оид таҳлил натижалари умумлаштирилиб кўрсатилган.

## 5 – жадвал

### Q – ли миокард инфарктининг ўтроқ ва келгинди аҳоли популяциясида тарқалиши частотаси, 21 йиллик ўзгаришлари

№	Текширув объекти	Ўтроқ аҳоли			Келгинди аҳоли			N	Умумий популяцияси	
	Текширув йиллари, статистика кўрсаткичи	N	Q МИ		N	Q МИ			Q МИ	
			n	%		n	%		n	%
1	2001	66	50	75,8	5	1	20	71	51	71,8
	P	<0,005			<0,01			<0,05		
2	2021	190	137	72,1	8	5	63	198	142	71,7
3	2001 – 2021	256	187	71,9	61	6	31	269	193	71,7



**1– расм. Проспектив эпидемиологик тадқиқотда Q – МИ нинг Андижоннинг ўтроқ ва келгинди популяцияда аниқланиш хусусиятлари**

Таҳлилий хулоса шу бўлдики, 21 йиллик мониторинг даврида Q – МИ деярли ўзгаришсиз – 71,8% (2001 йили) ва 31,7% дан (2021 йили) тарқалиш частотаси қайд қилинади ( $P>0,05$ ). Ўртача аниқланиш частотаси 71,7% ни ташкил қилиб ифодаланади.

#### 6 – жадвал

**Q – Андижоннинг ўтроқ ва келгинди популяцияда миокард инфаркти эпидемиологияси ва 21 йиллик эволюцияланишининг хос жиҳатлари**

№	Q сиз – МИ Текширув йиллари, статистика кўрсаткичлари	Ўтроқ аҳоли популяцияси		Келгинди аҳоли популяцияси		P	Катта ёшдаги аҳоли популяцияси			
		N	Q – сиз МИ		N		Q – сиз МИ		Q – сиз МИ	
			n	%			n	%	n	%
1	2001	66	15	22,7	5	3	60,0	71	18	25,4
	P	>0,05		<0,0001			>0,05			
2	2021	190	55	28,9	8	1	12,5	198	56	28,3
3	2001 – 2021 йил	256	70	27,3	13	4	30,8	269	74	27,5

Таҳлиллар тасдиқлашicha, Q – сиз МИ 2001 – 2021 йиллари ўтроқ аҳолида – 22,7% ва 28,9% дан тарқалиш частотаси билан кузатилади. Касаллик

6,2% га ортиш тенденцияси хос бўлиб қайд қилинади ( $P>0,05$ ). Умуман, 21 йиллик мониторингда Q – сиз МИнинг ўртача тарқалиш частотаси 27,3% ни ўтроқ аҳолида ташкил қилади. Келгинди аҳоли популяциясида касаллик 60,0% (2001 йили) ва 12,5% дан (2021 йили) аниқланиш частотаси билан қайд қилинади ёки 21 – йиллик эволюцияланишининг хос жиҳати – 47,5% га, яъни 4,1 баробарга етиб камайиш билан тасисланади ( $P<0,001$ ).


Тадқиқот йилларида ўртача тарқалиш частотаси ушбу популяцияда 30,8% ни ташкил этади.

Q – сиз МИ 2,5% тарқалиш частотаси билан фарқланиб, келгинди аҳолида кўп кузатилади ( $P<0,05$ ). Умуман текширув йилларида Q – сиз МИ 25,4% дан (2001 йили) 28,3% гача кўпайиш (2021 йили) аниқланиш частотаси тасдиқланади ( $P>0,05$ ). Умуман олганда, 21 йиллик эпидмониторинг бўйича Q – сиз МИ ни тарқалиш частотаси ўртача 27,5% ни ташкил этади.

Бу натижалар МИ нинг ушбу турини ҳам мувоффақиятли бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси самарали профилактикасининг “уфқларини кўрсатади” ёки прогноз қилиш имкониятини туғдиради.

Ўтроқ ва келгинди Андижон аҳолисида ST сегменти кўтарилиши билан миокард инфаркти эпидемиологик кўрсаткичларининг тавсифи ва 21 – йиллик ўзгаришларини рақамли таҳлили иловадаги 7 – жадвал ва 2 – расмда келтирилган. (6— жадвал)

Катта ёшдаги Андижон аҳолисида МИСТкб тарқалиш частотаси – 15,2% даража билан қайд қилинади (ўтроқ аҳолида 2001 – 2021 йилларда – ўртача 15,3% ва келгинди аҳолида – 13,1% дан,  $P>0,05$ ). Текширув йилларида касалликнинг тарқалиш частотаси 12,6% дан 2,0% гача ёки 10,6% га, яъни, 6,3 баробарга камайиш тенденцияси билан қайд қилинади ( $XH= 1,16$ ;  $ИИ = 0,55-2,47$ ;  $\chi^2=0.21$  ;  $P<0,64$ ).



2 – расм. Этник ўтроқ ва келгинди аҳоли популяциясида Q – сиз МИ эпидемиологик тавсифининг 21 йиллик хос

7 – жадвал

Андижон популяциясида МИСТкбнинг ўтроқ ва келгинди аҳолида тарқалиш частотаси, 21 йиллик ўзгаришлари

№	Текширув йиллари статистика кўрсаткичлари	Ўтроқ аҳоли			Келгинди аҳоли			P	Умумий популяцияси	
		N	МИ STкб		N	МИ STкб			МИ STкб	
			n	%		N	N		%	N
1	2001	66	8	12,1	5	1	20,0	71	9	12,6
2	2010	149	15	10,1	2	0	0,0	151	15	9,9
3	2011	198	28	14,1	6	1	16,7	204	29	14,0
4	2012	243	36	14,8	3	0	0,0	246	36	14,6
5	2013	90	9	10,0	2	0	0,0	92	9	9,7
6	2014	144	18	12,5	0	0	0,0	144	18	12,5
7	2015	224	45	20,1	4	0	0,0	228	45	1,9
8	2016	220	34	15,5	4	1	25,0	224	35	15,6
9	2017	121	24	19,8	7	1	14,3	128	25	1,9
10	2018	126	21	16,7	6	1	16,7	132	22	1,7
	2019	190	23	12,1	5	1	20,0	195	24	12,3
11	2020	200	30	15,0	9	1	11,1	209	31	14,8
12	2021	190	39	20,5	8	1	12,5	198	40	2,0
	Ўзгариш тенденцияси	2161	330	15,3	61	8	13,1	2222	338	15,2

ХН= 1,16; ИИ = 0,55-2,47;  $\chi^2=0,21$  ; P<0,64

Изоҳ: ХН – хавф нисбати, ИИ – ишонч интервали, МИСТкб – миокард инфарктини ST сегменти кўтарилиши билан ифодаланиувчи тури

Ўтроқ аҳолида МИСТкб нинг аниқланиш частотаси – 12,1% дан (2001 йили) 20,5% гача (2021 йили) кўпайиш билан аниқланади. “Ўсиш частотаси” 8,4% ни ташкил қилади ( $P < 0,05$ ).

## 8 – жадвал

### Анджоннинг ўтроқ ва келгинди аҳолисида ST сегменти депрессияси билан кечувчи МИ нинг эпидемиологияси ва 21 йил давомидаги тенденциялари

№	Текширув даври, статистика кўрсаткичлари	Ўтроқ аҳоли			Келгинди аҳоли			P	Умумий популяцияда МИ STсиз	
		N	МИ STсиз		N	МИ STсиз			n	%
			n	%		n	%			
1	2001	66	1	1,5	5	0	0,0	71	1	1,4
2	2010	149	0	0,0	2	0	0,0	151	0	0,0
3	2011	198	0	0,0	6	0	0,0	204	0	0,0
4	2012	243	2	0,8	3	0	0,0	246	2	0,8
5	2013	90	1	1,1	2	0	0,0	92	1	1,1
6	2014	144	0	0,0	0	0	0,0	144	0	0,0
7	2015	224	1	0,4	4	1	25,0	228	2	0,9
8	2016	220	1	0,5	4	0	0,0	224	1	0,4
9	2017	121	0	0,0	7	0	0,0	128	0	0,0
10	2018	126	0	0,0	6	0	0,0	132	0	0,0
11	2019	190	1	0,5	5	0	0,	195	1	0,5
11	2020	200	1	0,5	9	1	11,1	209	2	1,0
12	2021	190	1	0,5	8	0	0,0	198	1	0,5
	2001 – 2021	2161	9	0,4	61	2	3,3	2222	11	0,5
<b>Статистика кўрсаткичлари</b>		ХН=0,127; ИИ =0,03-0,60; $\chi^2=9,86$ ; $P < 0,001$								

Келгинди аҳоли популяциясида – аксинча пасайиш тенденцияси қайд қилинади: тадқиқот йилларида МИСТкб нинг тарқалиш частотаси 20,0% - дан 12,5% гача камайиб аниқланади ёки “пасайиш тенденцияси” 7,5% ни ташкил қилади ( $P < 0,05$ ).

Тасдиқланишича, Анджоннинг катта ёшдаги умумий популяциясида ST сегмент депрессияси билан кечувчи миокард инфаркти 2001 – 2021 йиллар давомида ўртача 0,5% тарқалиш частотаси билан қайд этилади (ўтроқ аҳолида – 0,4% ва келгинди аҳолида – 3,3% дан,  $P < 0,001$ ). Ўтган 21 йил ичида МИ ушбу турининг тарқалиши кўрсаткичи – 1,4% дан 0,5% гача камайиши билан

кузатилади (ХН=0,127; ИИ =0,03-0,60;  $\chi^2=9,86$  ; P <0,001). Ушбу таҳлиллар 8 – жадвал ва 6 – расмда (иловадаги) келтирилган.

МИСТ сиз ни тарқалиш частотаси ўтроқ аҳолида – 1,5% (2001 йили) ва 0,5% (2021 йили) даражалар билан, яъни 1,0% га камайиш тенденциясини ифодалаб тасдиқланади (P<0,05). Келгинди аҳоли популяциясида бўлса ушбу эпидемиологик кўрсаткичлар 11,1% гача “ўсиш тенденцияси” билан қайд қилинади (P<0,05).

### **ВОДИЙ ШАРОИТИДА МИОКАРД ИНФАРКТИ ОРФОН ВА ЕТАКЧИ ТУРЛАРИ ХОС ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ (АНДИЖОННИНГ $\geq 20 - 80$ ЁШЛИ АҲОЛИСИ МИСОЛИДА)**

Тадқиқотда МИ шаклланишининг хос ҳудудий эпидемиологик механизмлари Андижоннинг  $\geq 20 - 90$  ёшли аҳолисида аниқланди ва баҳоланди. Ўнг қоринча миокард инфаркти (ЎҚМИ), миокард инфарктининг анъанавий тури (МИан), миокард инфарктининг христиан ва мусулмонлар популяциясида ривожланиш механизмлари, миокард инфарктининг турли маълумотликда хос келиб чиқиши ўрганилди.

**9– жадвал**

#### **Ўнг қоринча миокард инфарктининг $\geq 20 - 80$ ёшли Андижоннинг ўтроқ ва келгинди аҳолисида шаклланиш хусусиятлари<sup>3</sup>**

№	Текширув даври статистика кўрсаткичлари	Ўтроқ аҳоли			Келгинди аҳоли			P	Умумий популяцияси	
		N	ЎҚМИ		N	ЎҚМИ			ЎҚМИ	
			n	%		n	%		N	%
1	<b>2001</b>	66	0	0,0	5	0	0	71	0	0
2	<b>2010</b>	149	0	0,0	2	0	0	151	0	0,0
3	<b>2011</b>	198	1	0,5	6	0	0	204	1	0,5
4	<b>2012</b>	243	0	0,0	3	0	0	246	0	0,0
5	<b>2013</b>	90	0	0,0	2	0	0	92	0	0,0
6	<b>2014</b>	144	3	2,1	0	0	0	144	3	2,1
7	<b>2015</b>	224	0	0,0	4	0	0	228	0	0,0
8	<b>2016</b>	220	0	0,0	4	0	0	224	0	0,0
9	<b>2017</b>	121	0	0,0	7	0	0	128	0	0,0
10	<b>2018</b>	126	1	0,8	6	1	16,7 <sup>xxx</sup>	132	2	1,5
11	<b>2019</b>	190	4	2,1	5	1	20 <sup>xx</sup>	195	5	2,6
12	<b>2020</b>	200	0	0,0	9	0	0	209	0	0,0
13	<b>2021</b>	190	0	0,0	8	0	0	198	0	0,0

	2001 - 2021	2161	9	0,4	61	2	3,3 <sup>xxx</sup>	2222	11	0,5
<b>Статистика кўрсаткичлари</b>	ХН= 0,12; ИИ =0,03-0,60; $\chi^2=9,86$ ; P=0,001									

9 – жадвалда Андижоннинг  $\geq 20 - 90$  ёшли ўтроқ ва келгинди аҳолисида ЎҚМИ (орфон касаллик сифатида) хос шаклланишининг эпидемиологик механизмлари таҳлили рақамли баён этилган.

Маълум бўлдики, ЎҚМИ текширилган популяцияда жуда кам частота билан учрайди ва уни миокард инфарктининг орфон шакли/тури аташ мумкин бўлади.

ЎҚМИ  $\geq 20 - 80$  ёшли аҳолида ўртача 0,5% тарқалиш частотаси билан аниқланади (ўтроқ аҳолида – 0,4% ва келгинди аҳолида – 3,3% дан, P<0,001).

Келгинди аҳолида 2,9% фарқ билан кўп кузатилади. 21 – йил давомида то 2019 йилгача кескин кўпайиш тенденцияси ва охириги 2 йилда эса кескин камайиш тенденцияси қайд қилинади (то 0,0% гача етиб) [ХН= 0,12; ИИ =0,03-0,60;  $\chi^2=9,86$  ; P=0,001].

Худди шундай тенденция ўтроқ ва келгинди аҳолида кузатилади, аммо кескинроқ ўзгариш тенденцияси иккинчи гуруҳда кўзга ташланди (3.6 - жадвал).

## 10 – жадвал

### Ўтроқ ва келгинди $\geq 20 - 80$ ёшли аҳолида МИ эпидемиологияси, 21 йиллик тавсифи

№	Текширув даври статистика кўрсаткичлари	Ўтроқ аҳоли			Келгинди аҳоли			P	Умумий популяцияси	
		N	МИ ан		N	МИ ан			МИ ан	
			n	%		n	%		N	%
1	2001	66	65	98,5	5	5	100	71	70	98,6
2	2002	149	149	100,0	2	2	100	151	151	100,0
3	2003	198	197	99,5	6	5	83,3	204	202	99,0
4	2004	243	242	99,6	3	3	100	246	245	99,6
5	2005	90	90	100,0	2	2	100	92	92	100,0
6	2006	144	143	99,3	0	0	0	144	143	99,3
7	2007	224	222	99,1	4	4	100	228	226	99,1
8	2008	220	220	100,0	4	4	100	224	224	100,0
9	2009	121	120	99,2	7	6	85,7	128	126	98,4
10	2010	126	125	99,2	6	6	100	132	131	99,2
11	2020	200	198	99,0	9	8	88,9	209	206	98,6
12	2021	190	189	99,5	8	1	12,5	198	190	96,0
	2001 - 2021	2161	2149	99,4	61	51	83,6	2222	2200	91,5

<b>Статистика кўрсаткичлари</b>	ХН=1,18 ИИ =0,49-2,88; $\chi^2=151,8$ ; P<0,0009
-------------------------------------	--

Узоқ муддатли эпидмониторинг бўйича Андижон популяциясида МИнинг анъанавий кечиши 91,5% частота билан аниқланади (ўтроқ аҳолида – 99,4% ва келгинди аҳолида – 83,6%, P<0,05).

Ангиноз синдромли МИ аксарият маҳаллий аҳоли учун хос бўлиб, 5,8% кам частота билан ёки фарқланиб келинди аҳолида тасдиқланади (ХН=1,18 ИИ =0,49-2,88;  $\chi^2=151,8$ ; P<0,0009). Бу ҳақдаги маълумотлар таҳлили 3.6 – жадвалда кўрсатилган.

Аҳоли популяциясида,  $\geq 18 - 90$  ёшли текширилганларда, умуман МИ анъанавий шаклининг аниқланиш частотаси охириги 21 йилда 98,6% дан 96,0% гача, яъни 2,6% камайган (P>0,05). Ўтроқ аҳолида МИ ат тарқалиш частотаси – 98,5% дан (2001 йили) 99,5% гача (2021 йили) ортган (1,0%га) ва, келгинди аҳолида бўлса, аксинча – 100,0% дан (2001 йили) 12,5% гача етиб, яъни 87,5% га камайган (2021 йилда; P<0,0001).

## 11 – жадвал

**Ўтроқ ва келгинди  $\geq 18 - 80$  ёшли аҳоли популяциясида “яширин шакли” миокард инфарктининг тарқалиши частотаси ва 21 йиллик ўзгариш тенденциялари**

№	Текширув даври, статистика кўрсаткичлари	Ўтроқ аҳоли			Келгинди аҳоли			P	Умумий популяцияси	
		N	МИяш		N	МИяш			МИяш	
			n	%		n	%		n	%
1	2001	66	1	1,5	5	0	0,0	71	1	1,4
2	2002	149	0	0,0	2	0	0,0	151	0	0,0
3	2003	198	1	0,5	6	1	16,7	204	2	1,0
4	2004	243	1	0,4	3	0	0,0	246	1	0,4
5	2005	90	0	0,0	2	0	0,0	92	0	0,0
6	2006	144	1	0,7	0	0	0,0	144	1	0,7
7	2007	224	2	0,9	4	0	0,0	228	2	0,9
8	2008	220	0	0,0	4	0	0,0	224	0	0,0
9	2009	121	1	0,8	7	1	14,3	128	2	1,6
10	2010	126	1	0,8	6	0	0,0	132	1	0,8
11	2020	200	2	1,0	9	1	11,1	209	3	1,4
12	2021	190	1	0,5	8	0	0,0	198	1	0,5
	<b>2001 – 2021</b>	<b>2161</b>	<b>12</b>	<b>0,6</b>	<b>61</b>	<b>3</b>	<b>4,9</b>	<b>2222</b>	<b>15</b>	<b>0,7</b>

Статистика кўрсаткичлари	XN=0,11 ИИ =0,03-0,41; $\chi^2=16,84$ ; P<0,0007
--------------------------	--


11–жадвалда МИнинг “яширин ўтиш шакли” ни (ҳеч қандай аломатларсиз, кўкрак қафаси дискомфортисиз ифодаланиб кечиши, тасодифан ЭКГ да аниқланиши) тарқалиш частотаси ўтроқ ва келгинди  $\geq 18 - 80$  ёшли аҳоли популяциясида акс этдирилган.

Тасодифан топилган, умуман ҳар қандай белгисиз “яширин шаклли МИ” (МИяш) катта ёшдаги аҳоли умумий популяциясида – 0,7% тарқалиш частотаси билан аниқланади (ўтроқ аҳолида – 0,6% ва келгинди аҳолида – 4,9% яъни 4,3% ортиқ бўлиб кузатилади; P<0,001). Аниқланиш частота - 21 йил давомида 0,9% га камайиш билан тасдиқланади (P<0,05).

Ўтроқ аҳолида МИяш нинг аниқланиш частотаси – 1,5% дан 0,5% гача камайган (P<0,01), келгинди аҳолида бўлса – ўзгаришсиз қолган (0,0% ва 0,0) [XN=0,11 ИИ =0,03-0,41;  $\chi^2=16,84$ ; P<0,0007].

Муфассал таҳлилий натижалар иловадаги 3.6 ва 3.7 – расмларда ҳам келтирилган.

Олинган фактлар кўрсатадики турли дин мақомидаги аҳоли популяциясида МИ ўзига хос эпидемиологик тавсифларга эга бўлади.12 – жадвал, 3 – расм, 4 – расм (иловада), 5 – расм (иловада).



3 – расм. Турли дин мақомли аҳоли популяциясида Q – ли миокард инфарктининг кўп йиллик трендини Андижон шароитида ифодаланиши хусусиятлари

Мусулмон диний мақомга эга аҳоли популяциясида (“Мусилмон П”) Q – ли МИ ўртача 71,8% тарқалиш частотаси билан аниқланади, бошқа дин вакиллари популяциясида (“БДВП”) эса унинг аниқланиш частотаси – 47,3% - ни ташкил этиб, яъни 24,5% частота билан “Муслим П” гуруҳида кўп тасдиқланади ( $P < 0,05$ ).

## 12 – жадвал

### Турли дин мақомидаги аҳоли популяциясида Q–ли миокард инфаркти эпидемиологияси

№	Текширув даври статистика кўрсаткичлари	“Мусулмон П”			“Бошқа дин вакиллари П”			P	“Умумий популяция П”	
		N	Q – МИ		N	Q – МИ			Q – МИ	
			n	%		n	%		N	%
1	2001	60	44	73,3 <sup>x</sup>	11	7	63,6	71	51	71,8
2	2002	142	95	66,9	9	6	66,7	151	101	66,9
3	2003	189	137	72,5 <sup>x</sup>	15	9	60,0	204	146	71,6
4	2004	231	166	71,9 <sup>xx</sup>	15	5	33,3	246	171	69,5
5	2005	90	67	74,4 <sup>x</sup>	2	1	50,0	92	68	73,9
6	2006	140	100	71,4 <sup>x</sup>	4	2	50,0	144	102	70,8
7	2007	214	157	73,4 <sup>x</sup>	14	7	50,0	228	164	71,9
8	2008	219	155	70,8 <sup>xxx</sup>	5	1	20,0	224	156	69,6
9	2009	126	91	72,2 <sup>xx</sup>	2	0	0,0	128	91	71,1
10	2010	131	92	70,2 <sup>xx</sup>	1	0	0,0	132	92	69,7
		190	126	66,3 <sup>x</sup>	5	2	40,0	195	128	65,6
11	2020	203	158	77,8 <sup>x</sup>	6	3	50,0	209	161	77,0
12	2021	196	142	72,4 <sup>xx</sup>	2	0	0,0	198	142	71,7
	2001 - 2021	2131	1530	71,8 <sup>x</sup>	91	43	47,3	2222	1573	70,79
Статистика кўрсаткичлари		XN=1,51 ИИ =1,0-2,32; $\chi^2=25,4$ ; $P < 0,0005$								

Охирги 21 йилда мусулмон аҳолида касалликнинг аниқланиш даражаси – 73,3% дан 72,4% гача ёки 0,5% камайган холос. БДВП да эса Q – МИни 63,6% дан то 50,0% (2020 йили) – 0,0% гача (2021 йили) камайиш тенденцияси кузатилади ( $XN=1,51$  ИИ =1,0-2,32;  $\chi^2=25,4$ ;  $P < 0,0005$ ).

Q – сиз миокард инфарктининг мусулмон ва бошқа дин вакиллари популяциясида тарқалиш частотаси – 28,9% ва 28,6% ни ташкил этиб тасдиқланади. Лекин “Мусилмон П” гуруҳида Q – сиз МИ ни 25,0% - дан 28,1% гача (3,1% га ўсишни кўрсатиб) ва БДВП гуруҳида эса – 27,3% дан (2001

йили) 50,0% гача (2021 йили) ортиш (22,7% га ўсишни кўрсатиб) билан тасдиқланади ( $\chi^2=1,01$ ; ИИ =0,063-1,61;  $\square^2=0,003$ ;  $P<0,952$ ).

Бундай маълумотлар 3.9 – расмда кўрсатилган (иловада).

Мусулмон ва бошқа диний мақомга эга (асосан христианлар) аҳоли популяциясида (3.10 – расм, иловада) ST сегменти кўтарилишида МИ – 15,0% ва 19,8% дан тарқалиш частотаси билан кузатилади ( $P>0,05$ ). Текширув йилларида мусулмон популяцияда – 13,4% дан (2001 йили) 20,4% гача, яъни 7,0% га кўпайиш частотаси билан ва бошқа диний мақомга эга популяцияда эса МИСТкб 9,1% дан (2001 йили) 16,7% га (2020 йили) ёки 6,6% га етиб ортиш частотасида тасдиқланади ( $\chi^2=0,75$ ; ИИ =0,45-1,29;  $\square^2=1,53$ ;  $P<0,2152$ ).

Турли диний мақомга эга аҳоли популяциясида ST сегменти депрессияси билан МИ (МИ STсиз) таҳлили кўрсатдики (3.11 – расм, иловада), МИ нинг ушбу тури – 5,5% тарқалиш частотаси билан бошқа диний мақомга эга аҳолида ва 0,5% тарқалиш частотасидан ошмасдан – мусулмон аҳолида қайд қилинади. Биринчи гуруҳ популяцияда – 0,0% дан 50,0% гача (2001 – 2021 йилларда) ортиш билан, иккинчи гуруҳ – мусулмон диний мақомли аҳолида эса – 47% дан (2001 йили) 0,5% гача (2020 йили) камайиш частотаси кузатилади ( $\chi^2=0,05$ ; ИИ =0,02-0,17;  $\square^2=48,14$ ;  $P<0,00004$ ).

Ўнг қоринча инфаркти фақат мусулмон популяцияда – 0,5% дан ошмасдан частотада тасдиқланади, бошқа диний мақомга эга аҳолида эса – қайд этилмайди ( $\chi^2=0,;$  ИИ =0,;  $\square^2=0,47$ ;  $P<0,049$ ).

МИни анъанавий тури (МИан) мусулмон ва христиан мақомли аҳолида – 99,4% ва 95,7% дан частоталарда қайд қилинади ( $\chi^2=1,03$ ; 95% ИИ =0,29-3,77;  $\square^2=14,3$ ;  $P<0,0001$ ).


МИ нинг ноанъанавий тури эса ушбу икки диний мақомидаги аҳолида – 0,6% ва 3,7% дан кузатилади ( $\chi^2=0,15$ ; ИИ =0,04-0,55;  $\square^2=11,5$ ;  $P<0,0006$ ).

## МИОКАРД ИНФАРКТИНИНГ ИЖТИМОЙ ГЕНДЕРЛИ ВА ХУДУДИЙ ОМИЛЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФЛАРИ, 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ АНДИЖОННИНГ $\geq 18 - 80$ ЁШЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Маълумотларга боғлиқ ҳолда МИ нинг  $\geq 18 - 80$  ёшли аҳоли популяциясида эпидемиологик тавсифланиши шу бўлдики, биринчидан, 21 йил давомида касаллик ўрта маълумотларида устуворлик қилади ва иккинчидан, “олий маълумотли”ларда деярли 40,0% дан ошиб кам частота билан (60,0%) “ўрта маълумотли”ларга қиёслаганда (100,0%) қайд қилинади ( $XN=23,3$ ; 95% ИИ =2,19;  $\chi^2=12,02$ ;  $P<0,469$ ).

3.9 – жадвалда Q – ли миокард инфарктини маълумотчанликка боғлиқ ҳолда эпидемиологик тавсифи ва 21 йиллик ўзгаришлари жиҳатлари келтирилган, 3.11 – расмда тасвирланган.

